Қорахитойлар қўшинига бош қўмондонлик қилган яна бир юқори мавқега эга ҳарбий унвон бу "таянгу" унвонидир. М. Бирон фикрига кўра, бу унвон гофмейстер лавозими билан мос келган³¹. Қашғарийга кўра, бу сўз "таянди", яъни "таянмоқ" феълидан отлашган сўз ҳисобланади. Ушбу лавозим эгасининг мажбуриятларини у қўйидагича тасвирлаган: "хукмдор хизматчиларга таянади, унинг амалдорлари ҳам уларга таянади, унга (хукмдорга) ўз сўровларини етказиш учун, сўнг у (хукмдор) уларни (сўровларни) кўриб чиқади". Кейинчалик бу унвонни арабча "ҳожиб" атамаси сиқиб чиқарди³². Таянгу унвонига эга бўлган қўмондонлар Қорахитойлар тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган жантларга бошчилик қилиб келишган. Масалан, 1204 йили Андҳуд ва 1210 йилдаги Хоразмшоҳга қарши бўлган жангларда айнан Талос ҳудудининг таянгуси бошчилигидаги қўшин иштирок қилган³³. Бундан ташқари, ушбу унвон эталари сифатида Ҳамид Пур³⁴ ва Шамур Таянгу³⁵ каби амалдорлар ҳам маълум. Ибн ал-Асир таянгу унвони Қорахитойлар орасида жуда юқори мавқега эга бўлганлигини бир неча бор тилга олган. Ушбу муаллиф ўз асарида таянгу унвони вазир унвонига тўғри келишини, ҳамда бу унвонга эга бўлган киши гурхон

²⁹Китон Давлатининг асосчиси Елоӣ Абаоцзи 922 йили Йила қабилаларни беш ва олти дивизияларга бўлган эди. Елоӣ қабиласи олти дивизияга қарашли эди. Бироқ Китон-Ляо даврида ушбу лавозимга фақат Елоӣ уруғидан бўлган вакил тайинланади. Қорахитойларда бу лавозимга Сяо уруғидан бўлган вакилнинг тайинланиши ушбу уруғ бу давлатда ўзгача мавқега эга бўлганидан далолат бермоқда. Wittfogel K.A., Feng Chia-Sheng. History of Chinese ... P. 473, 665.

³⁰Токто. Ляо ши ... 84–86-бет; Wittfogel K.A., Feng Chia-Sheng. History of Chinese ... P. 548–549.

³¹Токто. Ляо ши ... 84–86-бет.

³²Biran M. The Empire ... P. 111.

³³Қашғари Махмуд. Диван лугат ат-Турк / Пер. А.М. Аузовой, индексы Р.Эрмерса - Алматы, 2005. С. 1024-1025.

³⁴Ибн ал-Асир. Ал-Камил ... 283–333-бет.

³⁵Kirmani, Nasr ad-Din Munshi. Simt al-ula li'l-hadra al-'ulya / Ed. by I. 'Abbas. Tehran, 1328/1949. P.22

³⁶Juwayni. The History ... P. 74-75; Бирон М. таъкидлашибча, Шамур Таянгу ва Талос ҳудудининг таянгуси бир киши бўлиши мумкин. Biran M. The Empire ... P. 111, n. 137.

3-son

ўрнини боса оладиган мавқега эга бўлганлигини таъкидлаган³⁶. Жувайний ушбу унвон эгасини Қорахитойлар қўшинининг бош кўмандони сифатида тилга олган³⁷. Хитой манбаларида таянгу унвони тилга олинмаган. Бу унвон Ляо даврида қўлланилмаган, деган хulosага келиш мумкин. Нима сабабли, Қорахитойлар ушбу туркий унвонни қўллай бошлагани қизиқдир. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Қашғарийга кўра, туркий аҳоли орасида бу унвон арабча "ҳожиб" унвони билан сиқиб чиқарилган эди. Бироқ айнан шу туфайли ҳам қитонлар бу туркий унвонни бошқа маънода ҳам қўллай бошлаган бўлишлари мумкин. Бироқ нима учун айнан туркий унвон Қорахитойларга зарур бўлиб қолди? Ушбу унвон эгалари орасида фақат бир кишининг келиб чиқиши аниқ. Бу Барақ Ҳожибнинг иниси Ҳамид Пур. Маълумки, Барақ Ҳожиб гурхон саройига қарашли амалдорлардан бири бўлган. Демак, таянгу унвони гурхонга яқин бўлган кишиларга тақдим этилган, деган хulosага келиш мумкин. Шундай бўлган тақдирда ҳам нима учун бу лавозим эгаси айнан туркий унвон билан аталганлиги масаласи барибир ўз ечимини топмайди. Таянгу бош кўмандонлик қилган қўшин таркибида туркий уруғлар кўпчиликни ташкил қилган бўлиши мумкин. Айнан шу сабабдан келиб чиққан ҳолда туркий қўшинга қўмандонлик қилувчи қитон амалдори туркий унвон билан аталган. Маълумки, Қорахитойлар йўлга қўйган этник ва диний бағрикентлик сиёсати орқали улар нафақат полиэтник қўшин устидан балки, ислом динини қабул қилмай туриб, Мовароуннаҳрнинг мусулмон давлатлари устидан ҳам ўз ҳукмронлигини ўрната олганлар. Туркий қабилалар кўпчиликни ташкил қилган қўшин устидан қўмандонлик қилишни туркий унвонга эга бўлган қитон амалдорига топшириш, Қорахитойлар ҳарбий сиёсатининг бир кўриниши бўлган, холос.

Юқоридаги маълумотлардан шундай хulosага ҳам келиш мумкинки, Қорахитойларга қарам бўлган давлатларда ҳеч қандай ҳарбий қўшин гарнizonи мавжуд бўлмаган. Ҳарбий қўмак зарур бўлган вақтда қўшин жўнатиб турилган, холос.

Ҳар бир йирик юриш олдидан Қорахитойлар қитон анъанаси бўйича кулранг буқа ва оқ отни қурбонликка келтиришган³⁸. Жувайний хабар беришибча, қорахитой жангчилари маҳсус жанг либосига эга бўлган³⁹. Қўшин уч қисм - ўнг, сўл ва марказий қисмлардан иборат бўлиб, ҳар бир қисм ўз кўмандони ва кўмандон ёрдамчисига эга бўлган⁴⁰. Ҳарбий юриш олдидан жангчиларнинг руҳиятини кўтариш учун

³⁶Ибн ал-Асир. Ал-Камил ... 283, 333-бет.

³⁷Juwaynī. The History ... P. 322.

³⁸Токто. Ляо ши ... 84-85-бет.

³⁹Juwaynī. The History ... P. 65, 70, 352.

⁴⁰Токто. Ляо ши ... 84-85-бет.

3-сон

турхон қўшин қўмандонларига янги унвонлар тақдим қиған ва албатта шахсан туриб, нутқ сўзлаган. Масалан, 1134 йили журженларга қарши қўшин жўнатиш олдидан Сяо Валилага "Бинма ду юань шуай" - "Давлат қўшинининг бош қўмандони унвони", Сяо Чалаабуга унинг ўринбосари, Елюй Янъшантга "дубушу", Елюй Тегэга "дуцзянь" унвонлари тақдим этилиб. турхон қўшинга қараб ҳарбий руҳни кутарувчи нутқ сўзлаган⁴¹. Жанг олдидан ёхуд бирор йирик юриш олдидан қўшин руҳиятини кутариш муҳим ўрин эгалаган ва бу иш билан шахсан турхоннинг ўзи шуғулланган. Бундан ташқари, турхон ҳарбий қўмандонларга шахсий кўрсатмалардан ташқари насиҳатлар ҳам берган. Юқорида тилга олинган юриш олдидан Елюй Даши Сяо Валилага қўйидаги кўрсатма ва насиҳатларни берган:

"... (Бирор кимсани) мукофотлашда ёхуд ўз амалларини бажармаганлиги учун жазолашда эҳтиёткор бўл. Ўз қўшининг билан омад ва омадсизликни баҳам кўришга ҳаракат қил. Тұхтөв учун ўт-ўланга бой ва серсув ерларни танла. Жангни бошлишдан аввал душманни обдан баҳолашга ҳаракат қил. Доим эҳтиёткор бўл, ўзингта муваффақиятсизликни чақирма"⁴².

Бу маълумотдан қорахитой қўшин қўмандони қайси сифатларга эга бўлиши ҳамда қайси жиҳатларга ўз ахамиятни көрсатиши керак бўлганини ҳақида ҳам бир тасаввурга эга бўлиш мумкин. Айниқса, илк насиҳатлар Қорахитойлар қўшинин турли этник гурӯҳлардан ташкил топганлиги учун ажадида аҳамиятга эга бўлган булиши керак. Негаки, мукофотлаш ва муролаш жараённида юз бер ан адолат излилк этник можароларга бўлиш мумкин эди. Бу са ҳарбий тартибсизлик ва қўшиннинг заифлашувига олиб к лиши тайин. Шу туфайли ҳарбии қўмандон ўз қўшин билан эҳтиёткорона сиесат олиб бориши маҳоратига ҳам эга бўлиш даркор эди.

Тұхтөв учун серсув ва ўт-ўланга бой ерлар танланганлиги эса, жангчилар юриш давомидан махсус емак билан таъминланмаганлигидан далолат бериши мумкин. Шу туфайли ҳам ҳайвонлар учун зарур бўлган сув ва ўтга бой бўлган рларда тұхташга ҳаракат қилинган. Жангчи гўшт ва қимиз билан озиқланган. Жангчи учун унинг оти ҳар томонлама муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қорахитой жангчи и учун оти шу даражада зарур нарса бўлганки, ҳаттоқи ишаничи вафотидан кейин ҳам оғу билан бирга дағн этилган⁴³. Ҳар бир жангчи учта отга эса бўлган жанговар, ишчи ва захира от. Агар тархонлар сони етарли бўлмаган бўлса ишчи чорва сифатида охидан из ёки түя ишлатилган⁴⁴.

⁴¹Ўша асар. 85-86-бет.

⁴²Токто. Ляоши ... 86-бет.

⁴³Бернштам А.Н. Историко-культурное прошлое Северной Киргизии по материалам Большого Чуйского канала. Фрунзе, 1943. 26-бет.

⁴⁴Ўша асар. Р. 631, 636.

Жангчининг ўзи Г.Г.Пиков фикрига кўра, қорахитой жангчиси Ляо жангчиси каби қуролланган бўлиши мумкин эди⁴⁵. Ляо даврида қитон жангчиси қуидаги қуролларга эга бўлиши зарур эди: 4 та ёй, 400 та ўқ, узун ва қалта найза, гурзи, болта, ойболта, теша, бигиз, пичоқ, чақмоқтош ва отни боғлаш учун арқон каби қурол ва аслаҳалар⁴⁶. Бироқ М. Биран бу маълумотга танқидий равища ёндашган. Унинг фикрига кўра, бу маълумот манбаларда қайд этилмаган. Шу қаторда баъзи мусулмон манбаларида Қатвон жангиди Қорахитойлар ўқ-ёй, қилич, найза ва ханжар каби қурол-аслаҳаларни қўллаганлиги қайд этилган⁴⁷. Бу каби қурол-аслаҳалар М. Биран фикрига кўра, кўпроқ мусулмон қўшинининг қуролланиш даражасини эслатган⁴⁸. Қорахитой қўшинининг Ляо қўшинидан фарқи яна шунда эдикки, улар жангда филлардан ҳам фойдаланишган. Масалан, 1211 йили Баласофун аҳли дарвозаларни қулфлаганда қорахитой қўшини филлар ёрдамида дарвозаларни йиқитишган⁴⁹. Қорахитойлар филларни Андхуд жангидаги ғалабадан сўнг қўлга киритишган эди⁵⁰.

Қорахитойлар давлатида икки аёл гурхон даражасигача кўтарилилган: Елој Дашининг аёли Сюо Табуянь (1143–1150) ва қизи Елој Пусувань (1163–1178). Бу эса Қорахитойлар қўшини бошида аёл киши туриши мумкин бўлган, деган маънони англатади. Чунки, Қорахитойлар давлатида гурхон давлат қўшинининг бош қўмандони, деб ҳам ҳисобланган. Бироқ бу ҳукмдор аёлларнинг шахсан ўзлари жангни олиб борганликлари ёхуд ҳарбий қўшин таркибида аёллар ҳам иштирок этганликлари ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди. Маълумки, Ляо даврида қитон маликалари ўзининг шахсий қўшинига эга бўлиб, ҳарбий юришларда иштирок қилиб келишган⁵¹. Масалан, қитон давлатининг асосчиси Абаоцзининг беваси Йингтиян 200 минг кишилик шахсий қўшинга эга бўлиб, шахсан ўзи турли қабилаларнинг қўзғолонларини бостиришдаги юришларда иштирок қилиб келган⁵². Е Лун лининг хабар беришича, Елој Чун (1122)нинг беваси ва вориси Сюо Дефей Ляо давлатининг сўнгти давларида, яъни, 1122 йилдаги журженларга қарши бўлган сўнгги жангда иштирок

⁴⁵Пиков Г.Г. Западные кидани ...153-бет.

⁴⁶Ларичев В.Е., Тюрюмина Л.В. Военное дело у киданей // Сибирь, Центральная и Восточная Азия в Средние века. Новосибирск, 1975. 103-бет.

⁴⁷Juwaynī. The History ... Р. 324, 344, 360.

⁴⁸Birān M. The Empire ... Р. 153-155.

⁴⁹Juwaynī. The History ... Р. 360.

⁵⁰Ўша асар. - Р. 324; Ибн ал-Асир. Ал-Камил ... 303-бет.

⁵¹Holmgren J. Marriage, Kinship and Succession under the Ch'i-tan Rulers of the Liao Dynasty (907-1125). Tōung Pao. 1982. - Vol. 72. C. 52.

⁵²Е Лун ли . Цидан го чжи (История государства киданей) / Пер. В.С. Таскина. М.: Наука, 1979. - Р. 225-228; Wittfogel K.A., Feng Chia-Sheng. History of Chinese ... Р. 543.

3-son

этмоқчилигини билдирган⁵³. Ҳудди шу тариқа Қорахитойларнинг хукмдор аёллари ҳам ҳарбий юришларда иштирок қилган бўлишлари керак. Буни тўғридан-тўғри тасдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлмасада, баъзи манбаларни таҳлил қилган ҳолда Қорахитойлар кўшинида аёллар ҳам иштирок қилган, деган холосага келиш мумкин. Масалан, малика Табуянь журжен элчисини ов қилаётган пайтда қабул қилиланлиги маълум⁵⁴. Маълумки, мўғул ва қитонларда ов жараёни ҳарбий тайёргарлик сифатида кенг қўлланилган⁵⁵. Бундан ташқари, Кермондаги Қорахитойлар давлати (1222/23—1306)нинг бўлажак асосчиси Барақ Ҳожиб ўзининг қорахитой ва туркӣ ҳалқлардан иборат бўлган қўшини билан таҳминан 1220 йилда Ҳиндистон ҳулудига Кермон орқали йўл олаётганда Жувашир қалъасининг хукмдори унга ҳужум қиласи Шунда Барақ аёлларга ҳам эркак кийимларини кийиб, жангга тайёргарлик қилишни буоради⁵⁶. Мусулмон манбаларида Қорахитойлар кўшинида аёлларнинг иштирок қилганликлари ҳақидаги маълумотларнинг зикр этилмаганлиги, жангда эркак кишининг кийимини кийиб олган аёлни фарқлай олиш мушкул бўлган, деган фикр билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, XII асрда Марказий Осиё туркӣ ҳалқлари орасида ҳарбий юришларда аёлларнинг иштирок қилиши ажабланарли ҳодиса сифатида қабул қилинмаган. Шу туфайли ҳам мусулмон муаллифлари бу жиҳатга эътибор қилинмаган бўлишлари ҳам мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлардан қўйидаги холосага келиш мумкин.

Қорахитойлар давлатидаги ҳарбий бошқарув тизимида Ляо давридаги ҳарбий унвонлар кенг қўлланилганлигига қарамайди, бу тизим бир неча жиҳатлар билан ҳам ажralиб турган. Масалан, таянгу унвони Ляо даврида қўлланилмаган. Ляо даврида ҳарбий хизматга қодирлик 16 ёшдан бошланган бўлса, Қорахитойларда эса 18 ёшдан белгиланган. Қорахитойлар Ляо кўшинида бўлмаган филлардан ҳам фойдаланишган. М. Биран фикрига қўшилган ҳамда мавжуд манбалардаги маълумотларни инобатга олган ҳолда қорахитой кўшинининг қуролланиш даражаси Ляо кўшинидан фарқ қилган ва кўпроқ мусулмон кўшинининг қуролланиш даражасига ўхшаган, деган фикрга келиш мумкин.

Қорахитойлар кўшини турли этник груп вакилларидан ташкил топган эди. Бундай кўшинни бошқара олиш ҳамда унинг ичидаги ҳамжиҳатлик ва бирдамликни сақлай олиш жуда мушкул масаладир.

⁵³ Е.Лунли. Цидань го чжи ... Р. 210–214.

⁵⁴ Jin shi. Chap. 121. // MREAS. ... - P.222; Пиков Г.Г. Западные кидани ... С. 88; Biran M. The Empire ... P. 49.

⁵⁵ Wittfogel K.A., Feng Chia-Sheng. History of Chinese ... P. 118-119; Biran M. "Like a mighty wall:" The Armies ... P. 60.


⁵⁶ Jinnayn. The History ... P. 477.

3-сон

Қорахитойлар бу ишнинг уддасидан чиқа олганлар. Бу эса Қорахитойлар ҳарбий сиёсати кучли этнотолерант жиҳатларга асосланганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, юқорида келтирилган маълумотлар Қорахитойлар қўшинининг сони уччалик даражада йирик бўлмаган деган, хуносага олиб келади. Бироқ бунга қарамай, Қорахитойлар бир тизимга солинган ва кучли тартибига эга бўлган қўшин ёрдамида ўз фалабаларига эриша олганлар. Қорахитойлар қўшини ҳақиқатдан ҳам йирик кучга эга бўлганлигини, бу қўшин мусулмон манбаларида "Улкан Девор"⁵⁷ сифатида тилга олинганлиги ҳам тасдиқлайди⁵⁸.

1-чиизма. Давлатнинг ҳарбий ва маъмурий лавозимлари*



⁵⁷Ёхуд "Зулқарнайн девори".

⁵⁸Mirkhwând. Târikh-i ravzat ... G. 5. - S. 71; Dhahabî, Shams ad-Din Muhammad b. Ahmad. Tarikh al-Islâm / B. 'A. Marîf Bairût, 1988. G. 62. P. 330; Juwayni. The History ... P. 79-80, 89.

Д. Дутураева

Система военного управления и войско в государстве Каракитаев

Как известно, образование всякой империи сопряжено с широкомасштабными завоевательными действиями. Процесс подчинения государств Центральной Азии Каракитаями осуществлялся иначе, а военные походы Каракитаев имели свою специфику. К особенностям их военной стратегии можно отнести то, что после битв было строго запрещено мародерство и насилие. Для того времени подобная политика была редким явлением, так как военная добыча использовалась в качестве платы воинам. Каракитайские же воины получали жалованье, установленное турханом. Военная элита также занимала высокие административные посты. Благодаря этому Каракитаям удавалось с легкостью договариваться с местными правителями и не вызывать ненависти местного населения. В статье рассмотрены различные аспекты военного управления и войска в государстве Каракитаев с помощью которых и велась данная военная политика.

D. Duturaeva

Military system and army of the Qara Khitai state

The process of Qara Khitai settlement and warfare in Central Asia had a specific character. Usually after the battle, the victors used to loot the local population. The trophies gained in this manner were used to pay for the service of the military after the battle. However, the Qara Khitai prohibited such looting. The properties demanded from the vassals in tribute were paid to the military as salaries. For this reason, there was no need in to loot the population after the battles. This, certainly, raised the reputation of the Qara Khitai among the local population. The paper examined various aspects of the Qara Khitai military system and army that were used to create this military policy in the region.

*Мусулмон ва хитой манбаларида келтирилган маълумотлар асосида: Рашид ад-Дин. Сборник летописей / Пер. О.И. Смирновой. В 3-х т. М., 1952-60. Т. 1. Книга 2. С. 248; Juwayni, 'Ali' ad-Din 'Ata-Malik. The History of the world conqueror / Tr. by J.A. Boyle - Manchester, 1958. Rpr. Manchester, 1997. - IXVII, 763 р.; Токто. Ляо ши (Ляо сулалесинин тарыхы). 30-Бап / Тарж. Жусаев К. Д. // Кыргыздардын жана Кыргыстандын тарыхый булактары / К.Д. Жусаев Бишкек, 2003. 82-86-бет/293 б.; Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Тарих / Пер. П.Г. Булгакова. Ташкент: Узбекистан, 2006. - 560 с. Яна қаранг: Biran M. The Empire of the Qara Khitai in Eurasian History: Between China and the Islamic World. Cambridge University Press, 2005. Р. 224-225

Ф. Бобожонова

БУХОРО АМИРЛИГИДА XIX АСР ОХИРИ ХХ АСР БОШЛАРИДА АНЬАНАВИЙ БОШЛАНГИЧ МАКТАБЛАР ХОЛАТИ

Бошлангич анъанавий мактаб-мусулмон болалари учун умумий маълумот берадиган хат-савод чиқариш масканлари бўлиб¹, араб имлосида савод олиш, ёзиш ва ўқиши кўнгиларини шакллантириши², ҳисоблаш қоида ва кўнгиларини ҳосил қилиш, табият ва жамият, атроф-муҳит, ислом дини ҳақида билим ва тушунчалар бериш, ахлоқ-одоб меъёрларига амал қилишни ўргатишдан иборат эди.

"Мактаб" сўзи арабча "катаба"-ёзмоқ феълидан ясалган бўлиб, ёзинча ўргатиладиган жой³ дейилса, бошқаларида "мактаб" термини миrzалар мактаби маъносини билдирган⁴. 1896 йилда Санк-Петербургда нашр қилинган энциклопедияда: "Мактаб-мусулмонларнинг масжидлар қошидаги хат-савод чиқариш ва диний удумларни ўзлаштириш даргоҳи"⁵ дея таъриф берилган. Бундай анъанавий таълим тизими Ўрта Осиё ерлари араб халифалиги томонидан босиб олингандан кейин (IX X асрлар) зардуштийларнинг "дабиристон"лари ўрнида шакллангани маълум.

Ўрта Осиёда анъанавий таълим икки босқич: кўйи бошлангич мактаб ва юқори мадраса босқичдан иборат эди⁶. Ушбу тизим мактаблари давлат томонидан тўлиқ маблағ билан таъминланмаган,⁷ улар доимий равища хусусий шахслар маблағи ва вақф мулклари ҳисобига яшаб келган⁸.

Ўрта Осиёнинг барча шаҳар, қишлоқ ва овулларида мактабхоналар мавжуд бўлган⁹. Мактаблар кўпинча бир синф хонасидан иборат бўлганлиги учун ҳам уларни мактабхона деб аташган. Ўғил болалар мактабхоналарининг аксарияти масжидлар¹⁰, мадрасалар, қориходалар

¹ Наливкин В. Что даёт средне-азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях? // Турк. Лит. Сборник в пользу прокаженных. - СПб, 1900. - С. 323.

² ЎЗР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш. 7-вараж.

³ Долимов У. Эски мактаб // Тафаккур, 2010. №1. 66-73-бет.

⁴ Остроумов Н. П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. Ташкент, 1914. С. 94-96.

⁵ ЎЗР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 6-вараж.

⁶ ЎЗР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 12-вараж.

⁷ ЎЗР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 23-вараж.

⁸ Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1898. 8 август.

⁹ ЎЗР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 91-вараж.

¹⁰ ЎЗР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 13-вараж.

қошида ёки хусусий мактабдорлар хонадонларида, қиз болалар мактабхоналари отин аёллар уйларида ёки бадавлат кишиларнинг мактаб ёшидаги қизлари учун уларнинг уйларида ташкил этилган.

Бухоро амирлигидаги мактабларда дарс бериш билан шуғулланувчи домланинг иш ҳақи вақфномада белгиланган маблағдан бериб борилиши кўпгина вақфномаларда уқтирилган¹¹. Бундай маълумотларни бухоролик Рауфбой ўғли Маъруфбой¹², Мирмансурнинг қизи Нозикой¹³, Мирзо Ўзбек ўғли Мирзо Гулом¹⁴ вақфномаларидан билиб олишимиз мумкин. Масалан, Рауфбой ўғли Маъруфбой вақфномасида: "Вақф мулкидан ҳосил бўлган пулни мусулмон фарзандларига диний таълим берадиган ва ҳар жума эрталаб ва кечқурун "Мулк" (Таборак) сурасини ўқиб ва ўшандан ҳосил бўладиган савобни вақф эгасига ва унинг ота-онасига, ўтган барча олим-уламоларга бағишлаган кишига борилиши ёзиб қўйилган.¹⁵ Яна бир Бухоро амирлигига тузилган вақфномада 1338 ҳижрий йилда Шамсуддин Мирфиёс Мирзоғуломнинг Мулло Шодий гувоҳлигида вақф ваколатини олгани ёзилиб ва "ҳовли вақф қилинганлиги ва шунга биздан кейин тирик қолган киши ушбу вақфларга валий (эгалик) қилиб мактабдаги мусулмон болаларига ҳовлини ижарага берган пулининг бир қисмини беришларини ва улар жума ва ҳар куни "Ёсин" сурасини ўқиб воқиф ва пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам руҳларига бағищлашини шарт қўйилган"¹⁶. Бундан ташқари, муаллимга нисбатан қуйидагича шарт қўйилган: "Ўқитувчи мактабни узрсиз тарқ этмаслиги керак"¹⁷.

Бухоро амирлигига мактаблар кўп ҳолларда айрим бадавлат шахсларнинг хайр-эҳсонлари эвазига¹⁸, баъзан эса масжидларга тушган даромад эвазига қурилган. Бухоро шаҳрининг Хиёбон гузарида Мир Мансурнинг қизи Нозик-ой етти хонали уй ва болохонадан иборат бўлган ҳовлисини мактаб ўқувчилари фойдасига диний таълим олишларига ёрдам сифатида вақф қилдирган¹⁹.

Вақфномаларда ёзилишича, мактабхоналар ёғоч, хом ва пишиқ фиштдан бино қилинган²⁰. Мактабхона биноси одатда бир хонадан иборат бўлиб, болалар бўйра ёки гилам (тўшамча, шолча) устида ўтиришган²¹. Мактабнинг хоналари кичик, тор бўлиб, ёруғлик

¹¹ЎзР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 23-варақ.

¹²ЎзР МДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 1-варақ.

¹³ЎзР МДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 1-варақ.

¹⁴ЎзР МДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1126-иш, 1-варақ.

¹⁵ЎзР МДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 1-варақ.

¹⁶ЎзР МДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1059-иш, 1-варақ.

¹⁷ЎзР МДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 1-варақ.

¹⁸ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 9-варақ.

¹⁹ЎзР МДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1226-иш, 1-варақ.

²⁰ЎзР МДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 1226-иш, 1-варақ.

²¹ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 7-варақ.

3-son

тушмайдиган қоронги, ўқувчилар ўтирадиган жой эса нам ва заҳ бўлган²². Ўғил болалар мактабхоналарида масжид қавми томонидан таклиф этилган масжид имоми, муаззини ёки мадрасани тутатган зиёли киши муаллимлик қилган²³.

Архив маълумотларига қараганда Бухоро шаҳрининг ҳар бир кўчасида ўзининг мактабхонаси бўлган²⁴. Мактабхоналар асосан мусулмонларнинг хайр-эҳсонлари ёки амирнинг буйруғига мувофиқ кўчада яшовчиларнинг умумий маблағи эвазига ҳам ташкил этилган²⁵.

1910 йилда Бухорода 350 га яқин анъанавий (бошлангич) мактаблар фаолият кўрсатган²⁶.

Бошлангич мактабларда ўқувчиларнинг сони 10 нафардан 50–60 нафаргача бўлган²⁷. Ўғил болалар мактабхонасида ўртача 30–40 нафар бола ўқиган²⁸ бўлса, овул мактабларида ўқувчилар сони 10 нафардан ошмаган²⁹. Қизлар ўқийдиган мактабхоналардаги ўқувчилар сони ўғил болаларга нисбатан 25–30 фойзни ташкил этган³⁰.

Мактабхонада ўқишга қабул қилиш ёши Бухорода 5 ёшдан 12 ёшгacha бўлган даврни ташкил этган³¹. Садриддин Айний ўзи яшаган уч юз хонадонлик қишлоғида тўрт яшардан ўн икки яшаргача бўлган болалар мактабнинг шогирдлари ҳисобланганлиги ҳақида маълумот беради³². Анъанавий бошлангич мактабларда ўқувчи беш йилдан кам ўқимаган³³. Ёз ойларида ва рамазон ойида ўқувчилар таътилга чиқишиган³⁴. Мактабхонада таҳсил оладиганлар ўқишининг давомийлиги бир қатор омилларга, яъни домланинг маҳорати, ўқувчининг зеҳни ҳамда оиласидаги муҳитга боғлиқ бўлган.

Мактабхоналарда олиб борилган ўқиш муддати 4 йилдан 10 йилгача давом этган. XIX асрнинг ўргаларида Бухоро амирлигидаги мактабларда ўртача ўқиш муддати 7 йил деб кўрсатилган³⁵. Абдурауф Фитрат ҳам мактаблардаги ўқиш муддатини ети յилдан ўн йилгача деб кўрсатган³⁶.

²²ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 9-варап.

²³ЎзР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 1-варап.

²⁴ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 7-варап.

²⁵Ханыков Н. В. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843. 210-бет.

²⁶Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойина, 1914. №38.

²⁷ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 11-варап.

²⁸Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1898, 8 август.

²⁹ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 11-варап.

³⁰Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. 412-бет.

³¹Ханыков Н. В. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843. 211-бет.

³²Айний С. Эски мактаб. 140-бет.

³³ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 17-варап.

³⁴ЎзР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 18-варап.

³⁵Ханыков Н. В. Кўрсатилган асар. 212-бет.

³⁶Фитрат А. Мунозара // Шарқ Йолдузи, 1997. №1. 121-бет.

3-сон

Мактабхоналардаги дарслар эрталаб қўёш чиқишидан то аср намозигача давом этиб, жума ва байрам кунлари ўқувчилар дарсдан озод қилинган³⁷. Ўқитувчи (домла) ийл бўйи сабр-тоқат билан мактабхонани очиб, ўқувчиларини кутиб ўтирган³⁸.

Мактабхоналарнинг кўпчилиги одатда масжидлар ёнида ёки унинг қошида ташкил этилган. XX аср бошида Бухоро шаҳрида 218 та масжид бўлиб, ўртача ҳисобда бир масжид хузуридаги мактабда 40 нафаргача бола ўқишига имкон бор эди³⁹. Мадрасалар қошида ҳам мактабхона ташкил этилган⁴⁰. Масалан Аҳмаджон Пустиндўз мадрасаси қошида мактабхона мавжуд бўлиб, мактабдор домла, бир вақтнинг ўзида "куръон ҳофизи" ҳам бўлган, мактаб таъминоти мадраса вақфи ҳисобидан бўлган⁴¹. Худди шундай мактаблардан яна бири Зомуча кўчасидаги 1815 йилда қурилган Домла Шермуҳаммад ибн Нурмуҳаммад мадрасаси қошида ташкил этилиб, унинг таъминоти ҳам мадраса вақфи ҳисобидан бўлган⁴².

Мактабда ўқувчи дастлаб имон масаласига доир "Калимаи-шаҳодат" ва "тойиба"ни ёд олгач, араб алифбосини ўрганишга киришган. Ҳарфларни ўқитувчи алоҳида ёғоч ёки қаттиқ лавҳалари а ёзиб ќўйган⁴³. Ҳарфлар аввал ёд олинган, кейин эса бўғинлаб ўқишга ўтилган. Бўғинлаб ўқишига ўтишдан сўнг ўқувчи "ҳафтияк"ни ўрганишга ўтган⁴⁴.

"Алифбо" дарслигига ҳарфларнинг ёзилиши, қушилишидаги кўринишлари, ҳарфларнинг турли ўринларидаги шакллари ўрганиб бўлингандан кейин "зера-забар" яъни ҳарф ости ва устига қўйиладиган диакритик белгилар ва уларнинг қўлланиши, улар ёрдамида бўғинлар тузиш каби қоидалар ўргатилган⁴⁵.

Араб алифбосини ёд олгач, ўқувчи дастлабки "Ҳафтияк"ни ўрганишга киришган, унда Қуръони Каримдан кичик суралар олинган. "Ҳафтияк" - бошлангич мактабда ҳарфлар танилгач, ўргатиладиган ўзига хос китоби бўлиб⁴⁶, асл маъноси форсчада "ҳафт" – етти, "як" – бир, яъни Қуръони Каримнинг еттидан бир қисми деган маънени англатган⁴⁷.

³⁷ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 17-варақ.

³⁸Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1889, август. № 32.

³⁹Сухарева О. К истории городов Бухарского ханства. Ташкент: Изд. АН Узб ССР, 1958. 212-бет.

⁴⁰ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 10-варақ.

⁴¹ЎзР МДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 38-иш, 4-варақ.

⁴²ЎзР МДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 1-варақ.

⁴³ЎзР МДА. 323-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 21-варақ.

⁴⁴Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1889, август. № 32.

⁴⁵Бухоро вилоят музейи қўллэзма фонди. 1078/11 инвентар.

⁴⁶ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333а-иш, 54-варақ.

⁴⁷Ҳафтияк шариф. Тошкент, 1992. 3-бет.

Мактабхонада ўқиши жараёнида "Ҳафтияк" тутатилгач, "Тажвид" китобига ўтилган. "Тажвид" - Куръонни қироат билан ўқиши тўғрисидаги китоб⁴⁸.

"Тажвид" ўзлаштирилгач, Куръони Каримнинг ўзи ўқитилган. Унинг "Алламнашраҳ" сурасини ёдлаган ўқувчи "саводхон" деб ҳисобланган. Саводи чиққан бола диакритик белгилар ("зеру-забар")сиз насталиқ ёзуvida битилган бошқа китобларни ўқий бошлаган. Кейинги босқичда "Фарзи-айн" китобига ўтилган. "Фарзи-айн" – шариатга кўра барча мусулмонларга буюрилган, бажарилиши шарт бўлган амаллар⁴⁹ ҳақида тушунча ва маълумот берган.

Ундан кейинги китоб "Чоркитоб" (Чаҳор китоб) бўлиб, унда ислом динининг асосий қоидалари баён этилган⁵⁰. Диний урф-одатлар ўз ифодасини топган.

Кейинги босқичда "Сўфи Оллоёр" деб юритилган, аслида шу муаллиф қаламига мансуб "Сабот ул-ожизин" китоби ўқитилган⁵¹. Унда ислом динининг асосий қоидалари баёнидан ташқари, инсоний фазилатлар, ахлоқий тарбияга қаратилган ҳикматлар, ибратли ҳикоялар, шеърлар, достонлар ўрин олган⁵².

"Сабот ул-ожизин" тутатилгач, ислом ақидалари баён этилган "Маслак ул-муттақун" номли назмда битилган диний китоб ҳам ўқитилган. Бу форс тилида ёзилган шеърлар тўплами бўлиб, панд-насиҳат, одоб-ахлоқ ва шариат қонун-қоидалари баён этилган⁵³.

Барча мактабларда шарқ ва мусулмон педагогикасининг ёрқин манбаи бўлган Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асари кенг ўқитилгани ҳам маълум.

Кейинги босқичда мактабхоналарда Хожа Ҳофиз Шерозийнинг "Девон"ига ўтилган⁵⁴. Мадрасаларда дарслер сифатида ўқитилган "Девон"да лирик шеърлар ўрин олган бўлиб, илоҳийлик ва дунёвийлик уйғунлашган ёш болаларни ахлоқий тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган⁵⁵. Кўп мактабхоналардаги асосий ўқув курси шу билан якунланган.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухоро мактабларида булардан ташқари, араб грамматикасига катта эътибор қаратилиб, "Бидон", "Занжоний", "Муиззий" каби китоблар ҳам ўқитилган⁵⁶. "Бидон" - форс-тожик тилида ёзилган араб тили грамматикаси бўлса, "Занжоний"

⁴⁸Бухоро вилоят музеи кўлёзма фонди. 27399/11 инвентар.

⁴⁹Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 9-жилд. Тошкент: ЎзМЭ, 2003. 188-бет.

⁵⁰М а е в Н. Туземная школы // Туркестанские ведомости. 1884, 30 октябрь.

⁵¹ЎзР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 73-варақ.

⁵²Бухоро вилоят музеи кўлёзма фонди. 12928/11 инвентар.

⁵³ЎзР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 9-варақ.

⁵⁴ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333а-иш, 55-варақ.

⁵⁵Бухоро вилоят музеи кўлёзма фонди. 30473/11 инвентар.

⁵⁶Айни й. С. Асарлар. 1 том. Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. 352-варақ.

3-son

- араб тили синтаксисига доир китоб бўлган. "Муъиззий" – араб тили морфологиясига доир китоб бўлиб, ҳар учала китоб ҳам мадраса таҳсилига қадар мактабхонада ўқитилган⁵⁷.

Мактабларда ўқиши жараёнида Алишер Навоийнинг ижодига мансуб "Девони Навоий", "Амир Навоий", "Девони амир Навоий", "Мавлоно Амир Навоий", "Куллиёти девони Амир Навоий" каби номлар билан шуҳрат қозонган шеърий тўпламлар ҳам ўқитилган.

Бошлангич мактабларда ёзув машғулотларида Сайд Салоҳиддинхўжа ибн Оловиддинхўжанинг форс тилида ёзилган "Муфрадот" (ҳарфларни алоҳида шаклларда ёзиш) деб номланган дарслиги ўргатилган. Ҳарфларни намуна-нусхага алфавит тартибида катта қилиб ёзиш муфрадот (сарҳат), ҳусниҳатни англатган, баъзан муфрадот ёзиш бир-икки йилга чўзилган⁵⁸.

Муфрадот машқидан кейин мураккабот, яъни ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи бошланган. Ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи бир неча босқичга бўлинниб, ҳарф бирикмаларининг маъно англатиши ёки англатмаслиги мутлақо эътиборга олинмаган; асосан ҳарфлар бир-бирига қандай қўшилишини машқ қилишга урғу берилган. Кўпгина бошлангич мактабларда ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи "абжад ёзиш" билан тугалланган. Ёзувни ўрганишда абжад ҳисоби ҳам ўргатилган. Ўқувчи дуойи саломни ёзишни билса, уни "хати чиққан" деб ҳисоблашган.

Айрим мактабларда қобилиятли ўқувчиларга арифметиканинг тўрт амали ўргатилган. Бухоро вилояти музейи қўллэзмалар фондида сақланган "Хулосат-ул-ҳисоб"⁵⁹, "Усули ҳисоб"⁶⁰ рисолаларида ҳисоб-китоблар баён этилган.

XIX аср охири XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигига фаолият кўрсатган бошлангич мактаблар ўз иш тартиби, ташкил этилиши ва молиявий-хўжалик таъминоти жиҳатидан ўтган асрлар анъанаси ва даражасини сақлаб қолган эди. Мактаблар халқнинг саводини чиқариш, араб имлосида ўқиб ёзишни, арифметик ҳисобни ўзлаштиришга ўргатувчи маскан сифатида бу даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Мактабларнинг ўқув дастури бошлангич диний таълим, ислом асослари, диний ибодат, ахлоқий тарбияга йўналтирилган, атроф-муҳит, жамият ҳақида ҳам тушунчалар берган. Аммо мактабхоналардаги таълим усули, уларнинг моддий-молиявий таъминоти, ўқиш муддатлари, санитария-гиgiene шароитлари талабга жавоб бермаслиги, уларнинг кўпчилиги хайрия ҳисобидан ёки хусусий ва жамоат маблағлари асосида иш юритиши ва давлат

⁵⁷Бухоро вилоят музейи қўллэзма фонди. 25563/11 инвентар.

⁵⁸ЎзР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 82-варақ.

⁵⁹Бухоро вилоят музейи қўллэзма фонди. 25(241) инвентар.

⁶⁰Ўша жойда. 12940/11 инвентар.

томонидан таъминланмаганлиги, ўқув дастурида дунёвий билимларга эътиборсизлик, ўқитувчиларнинг билими етарли эмаслиги уларни замон талабларига ҳамоҳанг бўлишига имкон бермади.

Бухоро амирлигидаги бошланғич маълумот тизими ўзининг мазмуни ва услуби жиҳатидан бир қанча камчиликларга эга эди. Дарҳақиқат, бошланғич мактаблар замон талабидан орқада қолган, ўқитиш усулининг самараси паст эди. Анъанавий мактаблардаги муаммолардан яна бири ўқитувчиларнинг мактабда таълим олаётган ўқувчиларга нисбатан бир хил муносабатда бўлмаслигида эди. "Мусулмон мактабларида таълим" деб номланган мақолада: "Мактабларда дарс берадиган муаллимларнинг баъзилари бой кишиларнинг болаларини алоҳида диққат-эътибор билан ўқитадилар. Чунки бунга сабаб бойлар ўша муаллимларга катта-катта ҳадялар бериб туришади. Бойларнинг болалари ҳам устозларига пул бериб туришади. Камбағал, фақирнинг болаларига эса деярли эътибор бермас эдилар. Бинобарин, бой кишининг боласини 2–3 йилда ўқиши-ёзишни биладиган қилишса, фақир болалари 5–6 йилда ҳам "ҳафтияк"дан чиқмай, шу муддат ичida 4–5 та "ҳафтияк"ни йиртиб, дарсдан қочиб кетардилар"⁶¹—деб таъкидланган.

Мактабларнинг ҳолати ҳам замон талабларига жавоб бермас эди. Уларнинг моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги ҳақида Туркистон ўлкасининг мактаб ва мадрасалар бўйича маҳсус инспектори В.П. Наливкин 1901 йилда қайд этишича: "Анъанавий мактабларда мактаб учун курилган маҳсус бино деярли йўқ. Аксари мактабларнинг машгулоти масжидларда ёки тўғридан-тўғри масжиднинг айвонида ёхуд масжид ҳузуридаги ҳужрада ўтказилади, чунончи: текширилган 142 та мактабдан 109 таси масжидларда, 27 таси мактабдорлар уйида, 5 таси мозорлар ҳузурида ва қориҳоналарда бўлиб, фақат битта мактабнинг маҳсус қурилган биноси бор"⁶². Демак, ўлка инспектори томонидан таҳдил этилган мактабларнинг 76,7 фоизи масжидларда, 19,0 фоизи домлаларнинг уйида, 3,5 фоизи эса мозор ва қориҳоналарда, бор йўғи 0,8 фоизигина маҳсус бинода бўлган. Бухоро амирлигига ҳам аҳвол бундан яхши эмас эди.

Мактабхоналарнинг кўпчилиги маҳсус биноларига эга эмаслиги боис уларнинг санитария-гигиена ҳолати ва бошқа шарт-шароит ҳам талаб даражасида бўлмаган⁶³. Болалар ўқийдиган хоналар тор, ёруғлик етарли даражада эмас, деразаларидан ёруғлик тушмас, айрим ҳолларда уларнинг ўрнини кичкина туйнук бажарар, хонанинг ичкариси зах, қишида совуқ бўлар эди⁶⁴. Абдурауф Фитрат бошланғич мактабдаги бу

⁶¹Туркистон вилояти газетаси. 1906. 28 марта. №13.

⁶²ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 601-иш, 153-варап.

⁶³ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 23-варап.

⁶⁴ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 93-варап.

3-сон

холатни ўз хотиралари асосида шундай таърифлаган: "Талабалар ўнтийил қоронғу хона андухини чекиб, зах ҳавода ёки ноқулай шароитдаги жойларда ўтириб, сабоқ оладилар⁶⁵.

Садриддин Айнийнинг анъянавий мактаб ҳақидаги хотираларида ҳам "мактабнинг деразасидан" дарсхонага ҳеч бир ёруғлик кирмас эди деб таъкидлаганлиги бежиз эмас эди⁶⁶. Мактабхоналарда болалар бўйра ёки похол устида чўкка тушиб, домлага қараб ўтирган⁶⁷, хонанинг икки томони ва пойгак томони бўйлаб узун тахталар кўйиб кўйилган. Китоблар ана шу тахталар устига қўйиб ўқилган. Қишиги қаттиқ совуқда мактабхона танчасига гулхан ёқилган, болалар тутун ичиди олдинма-кейин йўтала-йўтала "сабоқ ўқиган". Ўтин-кўмир хонанинг бир бурчагида турган⁶⁸.

Мактаблардаги муаммолардан бири тартиб-интизомнинг бўшлигига намоён бўлар эди. Мактабга одатда болалар уйларида нонушта қилиб бўлгандаридан кейин келиб, эшик одиди то домла келгунча, турли ўйинлар билан овора бўлгандар. Ўқувчиларнинг танаффус ва бўш вақтлари эътиборсиз қолдирилган.

"Мактаб ва мадрасалари бўлмаган, ёхуд бўлуб-да низом ва тартибга кўйилмаган миллатнинг ҳоли паришон, мозийси барбод ҳамда истиқболи қоронғу ва умидсиз бўладур. Бугун Бухорода қарийб 350 қадар ибтидоий мактаблар бордур. Булардан ҳеч бириси тартиб ва интизомлик эмас"—деб ёзган эди "Ойина" журнали⁶⁹. Ушбу сўзларнинг муаллифи муаллим Ниёзий Ражабзода Бухоро мактабларининг замон талабига жавоб бера олмай қолганидан афсусланиб, уларни ислоҳ қилишга даъват этган.

XIX аср охири XX асрнинг бошларида Бухородаги мактабларда ўқитилидиган усул "усули қадим" деб аталиб, унинг асл моҳияти "ҳижо"лаб, (ҳижжалаб) яъни бўғинлаб ўқишидан иборат эди. Ҳижо усулида ўқишига ўргатиш биринчидан, механик равишда бўлиб, айни бир нарсани қайта-қайта айтишига мажбур қилинган; иккинчидан, бола ўзи айтган сўзнинг маъносини сира билмай, мактабдордан (домладан) эшитганини такрорлай берган; учинчидан, бундай усулда ўқишига ўргатиш учун жуда кўп вақт кетган.

"Хафтияк"ни ўрганган ўғил болалар, уни асосан механик тарзда қайта-қайта айтиши билан ёд олишар, баъзан болалар уни бутунлай тушунмасдан ёд олишар⁷⁰, ҳатто айрим домлалар ҳам унинг маъносини

⁶⁵Фитрат А. Мунозара // Шарқ Юлдузи. 1997. - № 1. 149-бет.

⁶⁶Айний С. Эски мактаб. 140-бет.

⁶⁷ЎзР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 16-варак.

⁶⁸Абдуллаев Й. Эски мактабда хат-савод ўргатиш. 24-бет.

⁶⁹Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // Ойина. 1914. № 38.

⁷⁰ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 15-варак.

3-son

тўгри ва тўла тушунтириб бера олмас эдилар⁷¹. ШоирFaфур Fулом ёзганидек, 16 йилда ҳам "Ҳафтияқ"дан чиқмаган йигитлар бўлган. Ҳафтиякхонлик шу қадар оғир бўлганки, ҳар бир бола ўнлаб "Ҳафтияки шариф" китобини йиртиб, ишдан чиқарган⁷².

Бошлангич мактабда амалда бўлган таълим усулининг энг катта камчилиги-ўқитиладиган китобларнинг ўз она тилида бўлмаганлиги, яъни араб тилида бўлгани эди⁷³. Ҳатто форс тилида ёзилган адабиётларда ҳам арабий сўзлар жуда кўп эди. Ўкувчилар учун ўз она тилида ёзилган китоблар яратилмаган бўлиб, араб тилидаги китоблардан бир парчани эркин ўқиб айтиб бера олмас, маъносини тушунтира олмас эдилар⁷⁴. Бухородаги бошлангич мактаблардаги кўзга кўринган камчиликлардан яна бири - таълим жараёнида дунёвий билимлардан сабоқ бермаслик эди. Абдурауф Фитратнинг "Мунозара" номли асарида таърифланишича, ўқитувчи ҳатто география фани нимани ўргатишини, қандай фан эканини ҳам билмаган⁷⁵.

XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигига фаолият кўрсатган бошлангич мактаблар давр талабига жавоб бермай қўйди.

Россия билан Бухоро амирлигининг иқтисодий ва сиёсий алоқалари натижасида мамлакатга капиталистик муносабатлар аста-секин кириб келди. Айниқса, савдо-сотиқни ривожлантириш учун Бухоро сармоядорларига билимли, ҳисоб-китобни биладиган, янгича фикрлайдиган ёш мутахассислар керак эди. "Садойи Туркистон" газетаси саҳифаларида бухоролик М.З.Мирзозоданинг "Илм ва маориф" деб номланган мақоласи эълон қилиниб, муаллиф томонидан Бухородаги илм-фаннинг ҳақиқий ҳолати таҳлил этилади. "XX аср – таълим, фан ва техника асридир. ҳеч бир миллат, халқ фан ва таълимни тараққий эттирмасдан ривожлана олмайди. Айнан, мана шу фан ва таълим инсоннинг дин, миллат, она-Ватанни танишида муҳим роль ўйнади" – деб ёзди⁷⁶ Мирзозода. "Ойина" журналида эса шундай дейилади: "Бул асрни 20 чи аср дерлар. Бул асрда бул аҳволда турмоқ боиси инқизорздир. Ул, асри тараққийдурки, тик турмайуб файрат этганни яшатар ва илло маҳв этар. Эндиликда фақат улум ва маорифнинг ривожига сабй ва кўшиш айласак, яъни ўқисак, ҳар иш бўлур. Бу аҳволдалигимизнинг асли беилимлигимиздиндур. Бас бунинг иложи Ўқимак! Ўқимак! Ўқимакдур!"⁷⁷.

⁷¹Туркестанские ведомости. 1898. № 32.

⁷²Fулом F. Ташланган асарлар. Тошкент, 1953. 6-бет.

⁷³ЎзР МДА. 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 92-варак.

⁷⁴Наливкин В. Школа у туземцев Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1889. август. № 32.

⁷⁵Фитрат А. Мунозара // Шарқ Юлдузи. 1997. № 1. 118-бет.

⁷⁶Мирзозода М. З. Илм ва маориф // Садойи Туркистон, 1914. 18 июль.

⁷⁷Шамсий П. Улум ва маориф // Ойина, 1915. № 8.

Бухоро ва Чор Россиясининг ўзаро муносабатлари барқарорлашиб борган сари маҳаллий сармоялар, амалдорлар, зиёлилар Москва, Петербург, Нижний Новгород каби Россиянинг йирик саноат ва маданият марказларига, Европа шаҳарларига, Туркия ва бошқа мамлакатларга кўпроқ сафар қилиб, у ердаги юксак тараққиётнинг (Бухорога нисбатан) шоҳиди бўлдилар. Улар бу ютуқларга дунёвий билимларга бўлган катта эътибор, янгича ўқитиш тизими туфайли эришилганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Масалан, Мирзо Сирож Ҳаким 1902–1909 йиллар сафаридан қайтганидан бошлаб жадидчилик ҳаракатида фаол равишда қатнаша бошлаган. Мирзо Сирож чет элларда бўлганида у ердаги таълим тизимини, хусусан мактаб таълим мини жуда яхши ўрганади, Бухородаги анъанавий таълим билан таққослади: "Европада мактаб ва мадрасаларни кўриб ёдимга ўзимиздаги мактаб ва мадрасалар келди, эсладиму юрагим кам ва афсусга тўлди. Нега бизни миллатимиз илмни шунча хор қилиб, уни тарқ этади." "Эрон уламолари илмга ва санъатга файратли, иштиёқли бўлиб ҳамма шаҳарларида мактаблар очган. Техронда жадид анъанавий мактаблари, дорулмуаллимин, дорулфунун, сиёсий мадраса, ҳарбий мадраса, тиббий мадраса мавжуд. Муаллимлари Фарангистонда таълим олишган"⁷⁸. Мирзо Сирож анъанавий мактабларини, европача таълимтарбияни бухороликлар учун қанчалик аҳамиятли ва зарурий эканлигини тушунтиришда, тарғиб этишда жонбозлик кўрсатган.

Абдурауф Фитрат Бухорода таълим тизимида ислоҳотнинг амалга оширилиши зарурлигини қўйидагича таъкидлайди: "Дарс бериш усуллари хароб аҳволда. Замонавий эҳтиёжлар тақозосидан воқиф бўлган ўқитувчиларга эга эмасмиз. Бухоро ҳукуматидан умидворлигимиз шулки, мактаблар ислоҳини бизнинг нуқтаи назардан бошласалар. Акс ҳолда бу мулк ҳолигавой, бу миллат толеъига афсус!"⁷⁹. Абдурауф Фитрат кенг халқ оммаси ўртасида илм-маърифат тарқатишида жонбозлик кўрсатди. У халқнинг саодатга эришувини илм-маърифат ва мактаб-маорифда деб билди. "Ҳаёт йўлида биринчи масала - мактаб масаласидир" - деб ёзган эди Абдурауф Фитрат⁸⁰. Ушбу соҳани ислоҳ қилишнинг тарафдори бўлган Фитрат ўз фикрини қўйидагича баён этган эди: "Бундан буён ҳозирги ижтимоий қонунлар, замон тақозосича мактаб ва мадрасаларимизни ислоҳ қиласиз эканмиз, ҳаёт муҳофазаси, миллият шарафимиздан ожиз қоламиз"⁸¹.

⁷⁸Мирзо Сирожиддин Ҳаким. Тухафи аҳли Бухоро. (Сафарнома). Душанбе: Адаб, 1992. 84–85 - бетлар.

⁷⁹Фитрат А. Бухоро ҳукуматининг илоҳкорона қадамлари //Ойина, 1915. №8.

⁸⁰Хуррият газетаси, 1917. №7.

⁸¹Бухоро ҳукуматининг илоҳкорона қадамлари // Ойина, 1915. №8.

1914 йилда "Ойина" журналида "Дунёда мавжуд миллатлар тараққийни ибтидоий мактабдан бошларлар. Ҳақиқатан, тараққий ва таоло учун биринчи йўл ва асос мактабдур. Мактаб ислоҳ қилинса умум ишлар ислоҳ ва тартибга кирди, деб бўладур" – деб ёзган эди бухоролик муаллим Ниёзий Ражабзода⁸².

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири-XX асрнинг бошида Бухоро амиригига бошланғич таълим муассасалари асосан араб тили ва алифбосида завод чиқариш, ислом асосларини эгаллаш, ахлоқий тарбияга ургу берилган. Улардаги шарт-шароит, санитария-гигиена талабларига, таълим-тарбия услублари эса замон талабларига жавоб бермас эди. Хусусан, таълим жараённида ҳарфлар ва матнларни араб тилида ёд олиш, ўқиш ва ёзишни алоҳида ўзлаштириш, тан жазоси каби ҳолатлар шулар жумласидан эди. Айни пайтда мактаблар то ислоҳотлар бошлангунга қадар завод чиқариш, ахлоқий ва маънавий қадриятларни тарбиялашга хизмат қилган, ягона ўқув-тарбия муассаса бўлиб келди.

F. Babadjanova

Из истории традиционных начальных школ в Бухарском эмирата в конце XIX-начале XX в.

В статье на основе широкого круга источников проанализирована деятельность традиционных начальных школ в Бухарском эмирете в конце XIX-начале XX в. В ней рассматривалось материальное состояние, финансирование а также вопросы реформирования учебной системы мактабов.

F. Bobojonova

From the history of traditional primary schools the Emirate of Bukhara in the end of XIX and in the beginning of XX centuries.

In the article the construction, number, activity, and the questions on organizational, material and economical provision of primary schools of Bukhara Emirate are considered on the base of archive documents and scientific literatures. The questions touching on the most famous and prestigious higher educational institutions of Bukhara Emirate and their history were studied. The books kept in the manuscript fund of Bukhara regional museum were studied.

⁸²Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли //Ойина, 1914. № 38.

Д. Алимова

ТУРКЕСТАНЦЫ НА I СЪЕЗДЕ НАРОДОВ ВОСТОКА: ПОЗИЦИИ И ВЫЗОВЫ

I съезд народов Востока, проходивший в сложных послереволюционных условиях, в условиях поиска большевиками новых форм и методов восстановления своего авторитета после подавления автономистских движений на Кавказе, Средней Азии, Башкордостане, Казахстане и др. национальных окраинах бывшей колониальной империи России, теперь незаслуженно забыт и совершенно не изучается. Между тем процессы, связанные с его подготовкой цели и задачи большевистского руководства Москвы, проходившие бурные выступления делегатов, позволяют делать заключения о настроениях, взглядах и чувствах представителей восточных регионов России.

Общеизвестно, что попытка нациостроительства и создания суверенных республик, таких как Туркистон Мухторияти в Туркестане, Алаш-орда в Казахстане, Азербайджанская республика на Кавказе, с трудом подавленная силами Красной Армии, породила огромную опасность для существования власти большевиков. Разразившееся вслед за этим движения сопротивления и восстания, например басмаческое движение в Туркестане создали для нее реальную угрозу.

Только в Ферганской долине действовали группы сопротивления общей численностью более 70 тыс. человек, в Бухарском регионе их было свыше 40 тыс., в Хорезме - более 20 тысяч¹. В партийных документах тех лет говорилось, что "при всем желании население не могло увидеть в пришельцах избавителей от старого гнета и проводников ко всеобщей диктатуре пролетариата, а увидело в них новых поработителей, покоряться которым не позволили ему обычаи и религия". Здесь же отмечалось, что "наряду с действительно ценными политическими работниками сюда прибывали малосознательные рабочие, красноармейцы и матросы, абсолютно не знакомые ни с какой историей вообще, и, в частности, с историей Туркестана", которые начали "углублять революцию в кишлаке через организованные органы особых отделов и ЧК, применяемые в Рязанской губернии, но абсолютно непригодные в Туркестане".

Далее в информации официальных лиц говорится: "Если подробно остановиться на фактах возмутительного насилия, чинимых над населением, пришлось бы исписать целый ворох бумаги о "подвигах"

¹ЦГА РУз. Ф. Р-17, оп. 1, д. 336, л. 224-240.

3-son

этих лиц... В Самарканде, например, между карательными органами было соревнование, кто из них больше за ночь расстреляет заключенных". Фактически "прибывшие работники сплеча стали рубить вековое дерево мусульманского строя, попирая вековые обычай страны, топча религиозные чувства старого религиозного фанатика, желая, по-видимому, чуть ли ни в течение одного года сделать из него интернационалиста". В другом документе пишется, что "устранение, запрещение, наказание - вот те три кнута, на которых базируется все миросозерцание и политическая мысль особиста". Сами же большевики были вынуждены признавать неверность своей политики в Туркестане.

Соответственно этому власти были вынуждены несколько изменить стратегию утверждения своей системы правления. В частности, были вновь разрешены деятельность старых мактабов, которые все еще были популярны среди населения, восстановлена частично вакфы и суды казиев, приняты постановления о совмещении законоположений ТуркАССР с нормами шариата, делалась попытка коренизации властных структур, по крайней мере провозглашалась такая необходимость.

Известно, что после подавления Туркистан Мухторияти определенная часть прогрессистов - джадиды, перешли на сторону вооруженной оппозиции, другая часть иммигрировала. Но принявшие культурную программу большевиков работали на поприще образования. Большевистская власть, провозгласившая коренизацию аппарата, тем не менее на практике отчаянно этому сопротивлялась, особенно это проявилось в деятельности Туркомиссии ВЦИК и СНК РСФСР, прибывшей в Ташкент в сентябре 1919 г.².

Некоторые лидеры национальной демократии выйдя за рамки образовательной системы, продолжало политическую деятельность. Так, известный просветитель Мунавваркары Абдурашидханов был избран членом КрайМусбюро ТуркЦИКа, а его председателем был Т. Рыскулов. В январе 1920 г. последний был избран председателем ТуркЦИКа.

Т. Рыскулов был представителем новой генерации национальных коммунистов, который вел активную политическую деятельность с упором на защиту интересов коренного населения Туркестана. Его идея создания Тюркской Республики была воспринята центром как бомба замедленного действия и сразу же была отвергнута Лениным. В июле 1920 г. он был отстранен от должности. Противостояние первых национальных кадров и представителей Центра, попытка туркестанцев в рамках существующей власти все же выстроить свою национальную

²См. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент: Шарқ, 2000.

3-son

платформу, отвечающую интересам коренных народностей имела трагические последствия. Тезис Т. Рыскулова: "Если мы из мусульман хотим сделать авангард революции на Востоке, то нужно, чтобы сами мусульмане научились управлять собою, а не приезжие управляли ими" был основным лозунгом и национальных коммунистов и беспартийных джадидов, которые, как в Туркестане, Хиве и Бухаре были объединены к 1920 г. общими целями и задачами.

Этот же лозунг прозвучал в пламенной речи Ташпулатбека Норбутабекова на I съезде народов Востока в Баку.

Однако не забегая вперед необходимо сказать об участниках - делегатах съезда из Туркестана, Бухары и Хивы. По данным стенографического отчета участников из Средней Азии было 158³. Из них 47 киргизов, 61 таджик, 35 туркмен и 15 узбеков. По сведениям местных архивных данных общее количество делегатов из региона было 519⁴. В президиум съезда по предложению Нариманова вошли: Турап Рыскулов, Мунавваркары Абдурашидханов, Абдувахид Карыев от Туркестана, Мулладжан (Мулла Бекжан) Раҳманов и Абдуллаев от Хивы, Раджаб Мухаммедов от Бухары, Ташпулат Норбутабеков от Ташкента, Обиджан Махмудов от Ферганы, Нияз-Кули от туркмен, Кара-Таджи от Самарканда. Из 32 делегатов, избранных от коммунистической фракции и фракции беспартийных 10 человек представили Среднюю Азию. Это было свидетельством того, какое огромное значение придавалось этому региону в деле пропаганды коммунистических идей среди мусульманства.

Многие из них и еще Аббас-ходжа и Джаббар-заде из Бухары, Ходжан Кулиев от туркмен, Джурабеков из Самарканда, Туракул Джанузаков вошли в состав членов Совета действия и пропаганды на Востоке⁵.

Все они занимали достаточно авторитетные места в национальной элите общества, в той или иной степени влияли на политический настрой национальной интеллигенции Туркестана, включая Бухару и Хиву.

Единомышленником признанного отца джадидского движения Махмуджоджа Бехбуди был его ближайший соратник и друг Мунавваркары Абдурашидханов.

Писатель, просветитель, общественный деятель Мунаввар кари Абдурашидханов, человек с широким кругозором как религиозного, так и светского характера, имел чрезвычайно большой авторитет среди народа. Он начал свою активную деятельность в джадидском движении

³I съезд народов Востока. Баку, 1-8 сентября 1920 г. Стенографический отчет. Петроград: Изд-во Ком. инт-ла., 1920. С. 5.

⁴Архив Аппарата Президента Республики Узбекистан, ф. 60, оп. 1, д. 393, л. 154.

⁵I съезд народов Востока. Баку, 1-8 сентября 1920 г. Стенографический отчет. С. 102-112.

3-сон

с конца XIX века и в 1901 году одним из первых у себя дома в Ташкенте открыл новометодную школу, был автором первых учебников, создателем благотворительных обществ и основателем и редактором первых узбекских газет.

В 1917 г. Мунавваркары стал одним из основателей и руководителем общественно-политической организации "Шурои Ислом" ("Мусульманский Совет") и принял участие во всех четырех Краевых мусульманских съездах.

В годы советской власти он продолжал свою просветительскую и нелегально политическую деятельность. В апреле 1918 г. по его инициативе был образован Туркестанский народный университет (Туркистан халк дорулфунуни), который считается прообразом Национального университета Узбекистана. В 1929 г. он был арестован по подозрению в руководстве подпольными организациями "Миллий итиход" и "Миллий истиклол"⁶.

Обиджан Махмудов, представлявший на съезде Ферганскую область был общественным, политическим и государственным деятелем, один из крупных финансистов, ведущим представителем ферганских прогрессистов. Окончив Санкт-Петербургский горно-металлургический институт, он стал первым узбекским горным инженером в Туркестане.

По его инициативе и непосредственном руководстве в 1914 г. в Коканде была открыта типография, где начали издаваться газеты ферганских джадидов "Садои Фаргона" и "Ферганское эхо" на русском языке.

Принимая активное участие в движении за автономию Туркестана, он всячески содействовал образованию Туркестанской автономной республики Туркистан Мухторияти и был избран на должность министра продовольствия. После ликвидации республики в феврале 1918 г. О. Махмудов остался в Коканде и продолжал работать в просветительских учреждениях, внося большой вклад в развитие культуры и образования Туркестана⁷.

Хивинец Бекжан Рахмонов, Кариев Абдувахид из Ташкента также были виднейшими представителями джадидского движения. А.Кариев в 1906 г. был членом Ташкентской городской Думы, в 1907 г. депутатом Российской Государственной Думы. За антиправительственную деятельность 1908 году был сослан в Тулу. По возвращении участвовал в работе организации "Шурои Исломия". В 20-х годах возглавлял Управлением мусульман Средней Азии.

Руководителем Туркестанской делегации был некий Гиллер, имя

⁶Алимова Д. А. История как история, история как наука. В 2-х томах. Т. II. Феномен джадидизма. Ташкент: Узбекистан, 2009. С. 170.

⁷Там же. С. 173.

3-son

которого кроме воспоминаний М. Абдурашидханова нигде не упоминается. М. Абдурашидханов отзывается о нем весьма отрицательно, указывая, что своими действиями он вызывал презрение и ненависть среди делегатов. Совершенно очевидно, что он присутствовал на съезде в качестве надзирателя над туркестанскими делегатами. После приезда, на съезде Компартии Туркестана Гиллер сделал отчетный доклад об участии делегатов Туркестана на I съезде народов Востока в Баку, где обвинил их в национализме.

М.Абдурашидханов также подчеркивал, что делегаты были недовольны руководителем съезда Г.Зиновьевым, который по его свидетельству был недружелюбно настроен по отношению к ним⁸.

Действительно, как отмечается в "Истории Востока" (Т. V) руководившие работой съезда от имени ЦК РКП(б) Г. Зиновьев и К. Радек обращались с делегатами съезда "как комиссары с темной массой на крестьянском съезде". Не понимая Востока и сведя все его проблемы "к проблеме крестьянской и территориальной".

По утверждению исследователя К. Раджабова, на съезде присутствовал и Абдулхамид Чулпан - известнейший в то время поэт, просветитель-демократ, любимец туркестанской молодежи.

Таким образом, делегаты Туркестана представляли симбиоз джадидов в лице М.Абдурашидханова, Чулпана, О.Махмудова и представителей новой генерации национальных коммунистов в лице Т.Рыскулова, Н.Ходжаева, С.Хужанова, Т.Норбутабекова.

Стенографический отчет зафиксировал выступление Т. Норбутабекова. Почти все представители Туркестана хорошо знали русский язык. Однако на совещании группы было решено возложить на него задачу донесения своих чаяний, не только до руководства РСФСР, но и до всех представителей народов Востока. А цель была одна - быть услышанным.

Ташпулат Норбутабеков, уроженец Ташкента, был высокообразованным человеком своего времени. Он окончил все возможные школы, начиная от старометодной, русско-туземной, кончая гимназией. Высшее образование получил в Петербургском университете, получив диплом юриста. В студенческие годы участвовал в революционном движении и потому после окончания вуза ему было запрещено проживать в столице и было предложено выехать в Туркестан. В период учёбы он часто бывал в Стамбуле и Баку. По возвращении на родину, работал в судебных органах и был редкостным кадром со знанием 7 языков. По сведениям Ашурали Зохирий в 1915 г. он был назначен городским судьей Ташкента, секретарем Ташкентской судебной палаты. Т.Норбутабеков пользовался

⁸Мунаввар Кори Абдурашидхонов. Хотираларимдан. Тошкент: Шарқ, 2001. 27 С.

3-сон

большим авторитетом, как среди русских чиновников и предпринимателей, так и местной элиты⁹. После февральской революции он активно участвовал в работе Ташгорисполкома и был депутатом от старогородской части Ташкента¹⁰.

На IV Мусульманском Краевом съезде в ноябре 1917 г. Т. Норбутабеков был избран членом правительства Туркестанской автономии.

Большевистская власть учитывая его опыт и авторитет среди населения также привлекла его к работе в своем аппарате. Он был назначен членом коллегии Комиссариата иностранных дел, инструктором Мусбюро ТурЦИК¹¹.

Непосредственно перед поездкой на съезд Народов Востока в Баку, Т. Норбутабеков работал юрист-консультом, заведующим юридическим отделом, следователем по особым делам Ташкентского старогородского отдела ЧК. В 1924 г. он работал в полпредстве БНСР в Москве. После образования Узбекской ССР Председатель Совнаркома республики Ф. Ходжаев привлек его к работе в Наркомат юстиции.

Имея такой большой опыт работы при двух властях Т. Норбутабеков конечно же имел веское основание для столь смелого и критического выступления. И по этой же причине и по причине прекрасного знания русского языка, он был избран единогласно туркестанской делегацией докладчиком на съезде. Возможно учитывая его авторитет и влияние большевистские власти столь активно привлекали его к работе в своих органах и далее. Однако зная всю кухню этой власти, Т. Норбутабеков был весьма пессимистически настроен насчет того, что когда-нибудь в регионе будет наложен мир и порядок. По сведению агента местного НКВД, сидя с группой друзей за чашкой кофе в марте 1926 г. в Самарканде он говорил, что ненависть большевиков по отношению к мусульманам исторически не истребима, и возлагал надежды на освобождение от них с помощью зарубежных стран¹². Недовольство методами укрепления власти он выразил в достаточно резкой форме и в докладе на I съезде Народов Востока в Баку.

В начале своей речи Тошпулат Норбутабеков согласно восточному менталитету был весьма корректен в отношении существующей власти, указав, что народы Востока верили и верят в лозунг "самоопределения национальностей, и ... в идеологическое руководство

⁹Зохир А. Туркистанда биринчи юрист // Садои Фаргона. 1915, 15 май.

¹⁰Агзамходжаев С.С. История Туркестанской автономии. Ташкент: Тошкент ислом университети, 2006. С. 76.

¹¹Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда биринчи // Тарихий меросимизга бир назар. Андижон: Мерос, 1994. С. 61.

¹²Данные Р. Шамсутдинова, нашедшего эти материалы в архиве СНБ РУз. См. Шамсутдинов Р. Ўзбекистондан биринчи.

3-son

... лидеров мирового пролетариата товарищей Ленина, Троцкого, Зиновьева и др. ..."¹³.

Однако в своем выступлении он открыто рассказал о насильственных действиях большевиков в Туркестане и их антинациональной политике. Норбутабеков ясно дал понять, что теоретические позиции советской власти, сформулированные 6 ноября 1917 г. в декларации от СНК РСФСР за подписью Ленина, где было сказано "отныне ваши верования и обычаи, ваши национальные и культурные учреждения объявляются свободными и неприкосновенными ... Вы сами должны быть хозяевами в своей стране...", не соответствуют реалиям.

Далее он сказал "Наши убеждения попираются, мы не можем молиться, нам не разрешают хоронить своих близких в соответствии с нашими традициями и религией. Что это значит? Это ничего, кроме посева контрреволюции среди трудящихся масс"¹⁴. Как он правильно отмечал, ситуация для национальных демократов была осложнена тем, что им приходилось бороться и против "реакционных мулл ... и против узких националистических наклонностей европейцев".

Считая, что "ни Зиновьев, ни Ленин, ни Троцкий не знают реальную ситуацию, не знают, что произошло в Туркестане за последние три года" он призывал центральное правительство положить конец бесправию: "то, что произошло в Туркестане, не должно быть повторено в других частях мусульманского мира, я предупреждаю правительство, что мы знаем все недостатки политики, которая проводилась в эти три года и мы говорим: снимите контрреволюцию народов, удалите чужеродные элементы, которые распространяют национальную рознь, снимите колонизаторов, которые сейчас работают под маской коммунизма!"¹⁵. Очевидно, что эти слова вызвали бурную реакцию зала, аплодисменты и крики "Браво". Ситуация, обрисованная Т. Норбутабековым была адекватной во многих регионах, в том числе и в Азербайджане. И Норбутабеков и все остальные делегаты Туркестана еще находились под впечатлением разгрома Республики Туркистан Мухторияти в Коканде в 1918 г. большевиками, когда было уничтожено 10 тысяч человек, в том числе и мирного населения города. Другая рана была очень свежей. Именно в момент прохождения съезда под большевистскими орудиями пали последний оплот государственности в Средней Азии - Бухара и Хива.

Поняв, что эти вызовы ничего, кроме ожесточения у властей не вызывают, 40 человек, участвовавших в работе съезда собрались для обсуждения вопроса о поддержке сопротивления советской власти в

¹³ I съезд народов Востока. Баку, 1-8 сентября 1920 г. Стенографический отчет.

¹⁴ Там же.

¹⁵ Там же. С. 102-112.

¹⁶ РГВА. Ф. 278, оп. 4, д. 94, л. 5-6.

3-son

Туркестане¹⁶ и планировали поднять народ на восстание в день 3-летней годовщины Октябрьской революции. Этому не суждено было осуществиться. В течении нескольких лет многие демократы, недовольные политикой советской власти перешли в стан вооруженного сопротивления.

Одним из них был видный лидер туркестанских национал-коммунистов, делегат съезда Туракул Жанузаков, заместитель председателя ЦИК Туркестанской АССР (в период председательствования Турада Рыскулова), который стал идеальным руководителем Ферганской группы басмачества.

Ясно, что выступление и тайные встречи туркестанцев с азербайджанскими единомышленниками не прошли даром. В 1929-37 годах информация об этом дополнила материалы обвинения НКВД в отношении каждого из них.

"Подлинной реализацией принципов свободы, равенства и братства, на самом деле, а не только на бумаге", как того требовал Т. Норбутабеков и все остальные среднеазиатские делегаты, как известно не произошло. Боль и проблемы, высказанные ими, также как и другими делегатами оказались голосами, вопиющими в пустыне, вызвав обратную реакцию. Как известно Н. Бухарин также участвовавший на этом съезде, сказал по возвращению из Баку В. Ленину: "... мы разбудили чудовище".

І съезд Народов Востока в городе Баку был последним объединяющим актом мусульманских народов РСФСР и других государств, который возбудил с новой силой их стремление к независимости. Возможно одновременно он стал горьким опытом для советской власти, тут же приступившей к окончательному разделению народов Востока, входивших в общую территорию. Начавшаяся разработка национально-территориального размежевания Средней Азии была "искусно задуманной акцией, продиктованной интересами борьбы с главным идеологическим и политическим противником - национально-освободительным движением, в течение десятилетий остававшимся решающим фактором противодействия имперским устремлениям царизма и большевизма, главной консолидирующей силой в масштабе всего среднеазиатского региона"¹⁷.

Остается сомнительным и вопрос о том, добилась ли большевистская власть и Коминтерн идейного перелома в сознании восточных народов по отношению к коммунизму.

¹⁷Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент: Шарқ, 2000. С. 666.

D. Алимова

Туркистонликлар Шарқ халқларининг I съездидаги

Мақола Туркистонликларнинг Шарқ халқлари I съездидаги ёндашувлар ва чақириқларига багишланган. Муаллиф съездда Туркистоннинг обрули ва ўз даврининг юксак билимли вакиллари қатнашганигини ва у ерда кўтарилган масалаларни таҳдил қилган.

D. Alimova

Turkistanians in the 1st assembly of Eastern people: positions and callings

The article is devoted to the participation, callings and approaches of the nations of Turkistan in the 1st assembly of Eastern people. The author has analyzed the issues which were seen in the assembly and noted the most honorable and knowledgeable personnel of Turkistan of that period.

P. Юсупов

ДЕМОГРАФИК ЎТИШ МАСАЛАЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА АХОЛИ КЎПАЙИШИННИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ (XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида)

Ҳозирги замоннинг энг муҳим глобал муаммолардан бири, дунё аҳолисининг кўпайиши ва ривожланган мамлакатларда юз берәётган демографик ўтишdir. Зоро, XXI аср бошларига келиб, дунё аҳолисининг сони йилига 74 – 76 млн. кишига кўпаймоқда¹. Ҳақиқатан дунё аҳолиси сон ва сифат жиҳатидан ўзгармасдан бир нуқтада тураверадиган, тарихий тараққиётга бефарқ қарайдиган муайян нарса эмас. Бироқ XXI асрнинг дастлабки 50 йилида дунё аҳолиси сони ошиб, 9,1 млрд. кишига етади². Бу жиҳатдан жамият ташкил топганидан то ҳозирги даврга қадар мавжуд бўлган тарих - бу аслини олганда, аҳолининг тарихидир.

Тарих фани нуқтаи назаридан эса бугун жаҳон мамлакатларида юз берәётган демографик ўтиш, XVII аср охиридан гарбий Европанинг индустрисал ривожланган давлатларида бошланиб, кейинчалик қитъанинг бошқа мамлакатларида, ундан сўнг эса жаҳоннинг деярли барча иқтисодий ривожланган мамлакатларида содир бўла бошлади.

¹Джоэл Коэн. Демография // В мире науки. М.: 2005, № 12. 18-бет.

²Ўша жойда. 17-бет.

Демографик нуқтаи назардан қараганда, жаҳоннинг ривожланган давлатларида содир бўлаётган бу демографик ўтиш, аҳолишуносликка оид бўлган манба ва адабиётларда, "демографик ўтиш концепцияси" (базыда демографик революция термини қўлланилган) деган ном билан аталмоқда³. Шу боис, демографик ўтиш деганда, жаҳондаги аҳоли тақрор барпо бўлишининг анъанавий туридан, унинг анча замонавий тури (кенгайган аҳоли тақрор барпо бўлишидан, қисқарган аҳоли тақрор бўлиши)га ўтишнинг содир бўлишини тушунмоқ керак.

Индустрисал ривожланиш йўлига ўтган мамлакатларда юз бера бошлаган демографик ўтиш туфайли, дунё аҳолиси таркибида қариялар салмоғининг ошиб бориши тобора кучайди. Масалан, агар 1960 йилда 60 ёшдан ошганлар салмоғи 8,1 %ни ташкил этган бўлса, 2005 йилда уларнинг сони 10,5 %ни ташкил қилиді⁴. Бу каби вазият демографияда "аҳолининг қариши" деб аталди. Қайси бир ҳудуд ёки давлат аҳолиси қарип борса, шу жойда меҳнатга лаёқатли ишлаб чиқарувчи ишчи кучи билан таъминлаш, миллатни камайиб бориши каби инсоният тақдиди учун таҳликали демографик инқироз пайдо бўлиши кучайди.

Дунё бўйича яқъол юзага чиққан бундай тарихий демографик вазият таъсирида, нафақат индустрисал ривожланган, балким энди ривожланиш йўлини танлаган кўпгина давлатларда ҳам кўпайиб бораётган аҳоли сонини чеклашга ҳаракат қилиниб, уларда "Туғилишни назорат этиш" дастури қабул қилинди ва туғилиш жараёни ташқи омиллар таъсирида бошқарила бошланди. Аммо, аҳоли сонини чеклашга қаратилган ҳаракатларга қарамасдан, XX аср охирги чорагида туғилишни юқори, ўлимни паст даражада бўлиши, дунёда аҳоли сонининг тез суръат билан кўпайиб боришига олиб келди. Бу ҳолатда ҳам жаҳонда тез суръат билан кўпайиб бораётган аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, иш ўринлари билан таъминлаш каби иқтисодий муаммолар юзага чиқди.

Шунга биноан XX аср иккинчи ярми XXI аср бошида Ўзбекистонда юз берган демографик жараёнларни ҳам тарихий тажриба асосида умумлаштириш ва илмий таҳлил қилиш мұҳим аҳамият касб этади. Зоро, бу йиллар, Ватанимиз тарихида узоқ давом этган, мустамлакачиликка асосланган тузумнинг емирилиши, бозор муносабатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши йиллари бўлди. Демографик тарихга назар ташланса, дунёнинг кўпчилик ривожланётган мамлакатларида демографик ўтиш намоён бўла

³Бу ҳақда қаранг: БМТ секретариатининг аҳолишунослик бўлими веб-сайти:

www.un.org/esa/population/unpop/htm; Аҳолишунослик масалалари бўйича

маълумотномалар бошқармаси: www.prb.org; Капица С. Демографическая

революция и будущее человечества // В мире науки. М.: 2004, № 4. <http://www.scian.ru/2004/4/nauka-p.shtml>.

⁴Джоэл Коэн. Демография // В мире науки. М.: 2005, № 12. 19-бет.

3-сон

бошлаганида, республикамизда дунёнинг индустрисал ривожланган давлатларидан фарқли ўлароқ, мутлақо бошқача бўлган, инқирозли демографик вазиятлар кузатилади. Шу сабаб, Ўзбекистон Республикаси учун демографик ўтиш муаммоси биринчи навбатда эътиборни талаб этади, чунки у муқаррардир.

1-жадвал

*Ўзбекистонда умумий, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг динамикаси (1940 – 2002 йиллар)**

т/р	Йиллар	Аҳолининг умумий сони (минг киши хисобида)	Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси	Шу жумладан улар % хисобида	
					Шаҳар	Қишлоқ аҳолиси
1	1940	6 551	1606	4945	24,5	75,5
2	1945	5197	1761	3436	33,9	66,1
3	1950	6194	1917	4277	30,9	69,1
4	1959	8119	2729	5390	33,6	66,4
5	1989	19906	8106	11800	40,7	59,3
6	1991	20738	8344	12364	40,3	59,7
7	2002	24813,1	9225,3	15587,5	37,2	62,8

*Жадвал: Муртазаева Р.Х. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. Ташкент, "Ўзбекистан", 2010. С. 83 Атамирзаев О.Б., Гентишке В.Л., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Ташкент, "Абу Али ибн Сино", 1998, С. 133-136; Мулляджанов И.Р. Население Узбекской ССР. Справочник. Ташкент, "Ўзбекистан", 1989. С. 66-67, маълумотлари асосида тузилиди.

Тадқиқ этилаётган даврда, энг оғир инқирозли демографик вазият иккинчи жаҳон урушининг аҳоли сони ва таркибига етказган демографик талафотлари туфайли, намоён бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин, яъни 1945 йилда республикамиз аҳолиси 5 197 минг кишини ташкил этди (қаранг: 1- жадвал). Агар, Ўзбекистон аҳолиси 1940 йили 6 551 минг кишини ташкил қилган бўлса, уруш келтирган демографик талафотлар оқибатида, 1945 йили республикада аҳоли сони 1 354 мингга камайди, яъни 5 197 минг кишини ташкил қилган эди.

Айни пайтда иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон аҳолисига жиддий демографик талафотлар етказди. Аҳолининг табиий ўсиши камайиб, унинг ёш – жинсий таркиби ўзгарди, жуда кўп кишилар касаллик ва очликдан ўлиб кетди. Нисбатан қисқа вақт мобайнида, ҳаддан кўп кишиларнинг вафот этишлари, урушдан кейин ҳам Ўзбекистон

3-son

демографик ривожланишига салбий таъсир қилди. 1950 йилга келиб ҳам демографик талафотлар таъсирида, урушдан олдинги аҳоли сони тикланмади.

Демографик жараёнларнинг бузилишлари оқибатида, аҳоли сонига етказилган демографик талафотлар туфайли унинг таркибида кескин ўзгаришлар бўлиб, эркак ва аёл салмоғи тескарисига бўлиб қолди. 1939 йилдаги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, Ўзбекистон аҳолисининг 52 фоизи эркаклардан 48 фоизи аёллардан иборат бўлган эди. Мутлақ миқдори деярли бир миллионга қисқарган эркакларнинг жами аҳоли сонидаги улуши 48 фоизга (1959 йилда) тушиб қолди⁵.

Уруш оқибатида, 1959 йилда 35–39 ёшли (1919–1923 йилларда туғилган) аёлларнинг ҳар 100 тасига 70 та эркак, агар турмуш ўртоғининг ёши 5 ёш катта бўлишини эътиборга олиб ҳисоблагандা, уларга 53 та эркак киши тўғри келди. Республикамизда эркак ва аёл ўртасидаги бундай нисбатлардаги энг катта фарқланиш қишлоқларда яшайдиган аҳолида юз берди. Қишлоқда 40–44 ёшдаги 100 та аёлга 68 та эркак, 35–39 ёшли аёлга, эрининг ёши 5 ёш катта бўлса деб ҳисоблаганда 49 та эркак тўғри келган эди⁶. Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, аҳоли таркибининг жинси ва ёши бўйича урушдан олдинги йиллардаги номутаносиблик кучайди.

Демографик талафот ўз кучини Ўзбекистон бўйича, урушдан сўнг янада кучлироқ сездира бошлади. Агар, 1959 йилда умумий аҳоли таркибида 60–69 ёшда бўлган кишиларнинг сони 1939 йилга нисбатан 156 фоизга ошган бўлса, 70 ёш ва ундан катта бўлганлар сони 194 фоизгача кўтарилган эди⁷. Аммо шу вақтдаги нисбатда, яъни уруш ва урушдан кейинги дастлабки йилларда туғилганлар сони умумий аҳоли таркибида жуда паст даражага тушиб қолган. Масалан, 10–15 ёшли ўсмирлар сони 8,7 фоизни ташкил қилди⁸. Урушдан олдинги йилларда туғилиб, уруш йилларида қийин болаликни бошидан кечирган аҳолининг салмоғи ҳам 8,3 фоизни ташкил этган эди⁹.

Шундай қилиб урушдан сўнг то мустақилликка эришганимизгacha бўлган даврда Ўзбекистон тарихий демографиясида ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Агар иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда республика шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби кўчib келган аҳоли ҳисобига қарийб баб-баравар шаклланган бўлса, урушдан сўнг бу ҳолат ўзгарди, яъни Ўзбекистон аҳолиси таркибида

⁵Народное хозяйство Узбекистана за 70 лет. Ташкент: Узбекистан, 1987. 6-бет.

⁶Итоги Всесоюзной переписи населения 1959 года. Узбекская ССР. М., 1962. 22-бет.

⁷Ўша жойда. 21-бет.

⁸Ўша жойда.

⁹Ўша жойда.

3-сон

европалик миллатларга мансуб бўлган кишиларнинг кўпчилик қисми, асосан шаҳарларда ўрнашиб қолганлиги кузатилди. Республика шаҳар аҳолисининг ярмидан кўпини ўзбеклар (53,7 %), қолган қисмини руслар (19,5 %), татарлар (5,1 %), қозоқлар (4,0 %), тожиклар (3,7 %), қорақалпоқлар (2,7 %) ва бошқа миллат вакиллари ташкил этган¹⁰. Республикада аҳолининг (миллатларнинг) жойлашувида ҳам тафовут мавжуд бўлиб, қишлоқларда, асосан, маҳаллий миллат вакиллари яшаган бўлса, шаҳар аҳолиси маълум қисмини, маҳаллий бўлмаган миллатлар ташкил этди.

Шу каби Ўзбекистонда демографик ўтишга таъсир қилувчи омиллардан энг муҳими, бу – унинг такрор барпо қилиниши жараёни бўлиб, яъни бу йилларда республикада рўй берган туғилиш, ўлим ва улар ўргасидаги нисбатнинг натижаси табиий ўсишда ўз аксини топган. Натижада, аҳоли 1959 – 1989 йилларда энг тез суръатларда кўпайди. Бу йилларда, аҳоли сони 8,1 млн. дан 19,9 млн. га, ўттиз йил ичida қарийб 2,5 маротабагача ўди (1-жадвал).

Юқоридагиларнинг барчаси бир бўлиб XX асрнинг сўнгги чорагида Ўзбекистонда демографик ўсишнинг динамикаси, республиканинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларидан анча олдинга ўтиб кетган ҳолатни юзага келтирди. Масалан, агар 1979 йилда 14 ёшгача бўлган аҳоли 6 345 108 нафар киши бўлиб, аҳоли умумий сонининг деярли 35 фоизини ташкил этган бўлса, 1989 йилда уларнинг сони жами аҳолининг 40 фоизга яқинини ташкил этди¹¹. Гарчи Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг кўпайиши саноат тараққиётига боғлиқ бўлсада, умуман республикада қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб келиши шаҳарларнинг "тортиш кучи" билан эмас, балки туб жой аҳолиси пахта якка - ҳокимлиги билан ерга боғлаб қўйилиб, четдан ишчи-мутахассислар Ўзбекистон шаҳарларига кўчириб келтирилиши билан ифодаланди.

Собиқ совет тузуми олиб борган сиёсатнинг асосий мақсади тўлиқ аҳоли бандлигини таъминлашдан иборат бўлганди. Бунда аҳоли бутун меҳнатга лаёқатлилик даврида банд бўлиш орқали истеъмол қилган маҳсулотига нисбатан бир неча марта кўп маҳсулот ишлаб чиқариши кўзда тутилган, оқибатда аҳолининг ўсиш суръати юқори бўлиши иқтисодий жиҳатдан анча самарали ҳисобланган. Айниқса, 1989 – 1991 йилларда, аҳолининг сони ҳар йилига ўртacha 416 минг кишига кўпайиб борди ва республикадаги бутун аҳолининг сони 20,7 млн. кишидан иборат бўлди (1-жадвал). Бу эса ўз навбатида Ўзбекистондаги

¹⁰Мулляжонов И. Р. Население УзССР. Ташкент, 1989. 19-бет.

¹¹Миллатларро муносабатлар маданияти ва байналминал дунёқараш. Тошкент: Ўқитувчи, 1992. 36-бет.

3-сон

демографик ўтишнинг уйғунлиги ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Республиkaning таниқли демографлари таҳлилига биноан, туғилишнинг энг юқори даврида¹², ҳам аҳолининг моддий яшаш шароитини ҳозиргидагидан яхши деб бўлмас эди.

Совет тузуми ҳукмронлигининг бутун даврида, Ўзбекистон аҳолиси ўз ижтимоий таркибига кўра, давлат томонидан бошқариладиган ва унга тўлиқ қарам бўлган синфлар – ишчилар, жамоа хўжаликларига бирлаштирилган деҳқон (колхозчи)лар ва зиёли қатламларидан иборат бўлишига ҳаракат қилинди¹³. Шу сабабдан, тадқиқ этилаётган давр тарихий демографиясини ҳаққоний ўрганиш ва республика аҳолисининг сифатий ривожига тўққинлик қилган муаммоларни ёритиш учун аҳоли таркибини ёшлар (16 ёшдан 30 ёшгacha бўлган), эркаклар ва аёллар ҳамда қариялар (эркаклар учун 60 ёш ва ундан юқори, аёлларга 55 ва ундан юқори ёшда бўлганлар)дан иборат бўлган ижтимоий-демографик гурӯҳларга ажратган ҳолда тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқdir (2-жадвал).

2-жадвал

*1959–1991 йилларда Ўзбекистон аҳолиси таркибида 16 – 70 ёшгacha бўлган ёшларнинг ёш-жинс жиҳатидан тузилиши**

1959 йил			
Ёш кўрсаткичи	Аҳоли сони, минг киши.		Эркак сони ҳар 100 аёлга нисбатан
	эркаклар	аёллар	
16–29	991850	1008821	98,3
30–54	859216	1066179	80,6
55–69	345049	484553	71,2
16–70	2196115	2559553	85,8
1991 йил			
Ёш кўрсаткичи	Аҳоли сони, минг киши.		Эркак сони ҳар 100 аёлга нисбатан
	эркаклар	аёллар	
16–29	2847450	2868853	99,2
30–54	2281841	2311995	98,6
55–69	608703	735623	82,7
16–70	5737994	5916471	96,9

*Жадвал: http://www.demoscope.ru/weekly/ssp/sng_mar_59.php?reg=4&gor=3&Submit=OK, Численность, состав и движение населения Республики Узбекистан. Статистический сборник. - Ташкент, Госкомстат, 1992. - С. 19; маълумотлари асосида тузилди.

¹²Убайдуллаев Р. А. Демографическая ситуация в Республике Узбекистан и тенденции ее изменения // Население Узбекистана: 15 лет независимого развития: Тез. докл. Национальной научно-практической конф. 30 ноября - 1 декабря 2006 г. Ташкент, 2007. 12-бет.

¹³Бу ҳақида батафсил қаранг: Маҳкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации. Автореферат диссертации докт. ист. наук. Тошкент, 2009. 4-5-бетлар.

3-son

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра Ўзбекистон аҳолисининг 1959–1989 йилларда таркибий тузилиши турлича бўлса-да, ҳар бир бир ижтимоий-демографик гуруҳнинг ўз манфаатини ҳимоя қиласидан демографик параметр (кўрсаткич)ларга эга. Масалан, агар тарихий демографияда аҳолини ёш кўрсаткичлари бўйича бўлинишини иқтисодий жиҳатдан кузатсанак, меҳнат қилишга яроқлилик ёши ёки пенсияга чиқиш ёшини белгилайдиган кўрсаткичлари, тадқиқ этилаётган давр қонунчилигига мос келишига қараб, аҳолини ижтимоий-демографик гуруҳларга ажратиш керак бўлади. Худди шу каби, аҳолини ижтимоий-демографик гуруҳларга ажратишда уларни жинсига қараб бўлинишини кузатсанак, уларни фақатгина биологикибий кўрсаткичларига асосланниб ижтимоий-демографик гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар 1959 йилда бу гуруҳдаги эркаклар сони ҳар 100 аёлга нисбатан 98,3 тадан тўғри келган бўлса, 1991 йилга келиб бу нисбат 99,2 тани ташкил этди. Шунга кўра, тадқиқ этилаётган даврнинг характерли хусусияти эркакларга қараганда аёлларнинг сони кўп бўлган эди (2-жадвал).

Яна шуни айтиш ўринлики, совет ҳукмронлиги даврида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги хатоликлар ва демографик жараёнларнинг хусусиятларини ҳисобга олмаслик ишсизликнинг келиб чиқишига, нотўғри юритилган хўжалик сиёсати иқтисодиётда бир томонламаликнинг кучайишига, ижтимоий-демографик инқирозларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Оқибатда, демографик ўтишда узилиш ва ҳаттоқи, тўхташ ҳолатлари юз берганди. Ўзбекистонда бундай инқирозли демографик вазиятлар тадқиқ этилаётган давр мобайнида бир неча маротаба юз бериши туфайли демографик ўтишнинг муддати ҳам анча йиларга чўзилиб, совет тузуми бутунлай барбод бўлиб кетганидан сўнг ҳам ўз салбий таъсирини сақлаб қолди.

Содир бўлган инқирозли ва чигал демографик вазият туфайли демографик ўтишнинг дастлабки белгиларини Ўзбекистоннинг индустрисал ривожланиши шакллана бошлаган айrim шаҳарларидагина қайд этиш мумкин. Масалан, республикада шаҳар аҳолисининг сони ўсишига қарамасдан (1- жадвал), жами аҳоли таркибида шаҳарликлар салмоғи 2002 йилга келиб 37,2 фоизгача пасайиб, 1991 йилдаги 40,3 фоизга нисбатан таққослагандан, шаҳарларда истиқомат қилувчи аҳолининг салмоғи 2,9 фоизга камайди. Бу ҳолат эса, юқорида келтирилган фикрларни тасдиқлаб, мустақиллик йилларида чет элларга, асосан тоталитар тузум ҳукмронлиги даврида турли хил сабабларга кўра кўчиб келган аҳолининг миграция қилганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон худудининг кўпчилик маҳаллий миллат вакиллари яшайдиган асосий қисмида, айниқса қишлоқларда аҳоли тақрор барпо бўлишининг анъанавий тури, кенгайган аҳоли тақрор барпо бўлиши, яъни кейинги авлод вакилларининг сони олдинги авлод вакиллари сонидан кўп бўлиши сақланиб қолаверганди. Мисол учун 1991 йилда Ўзбекистон аҳолисининг 43,1 фоизини, 2004 йилда 38 фоизини, 2008 йилда 33,3 фоизини 15 ёшдан кичик бўлган болалар ташкил қилди¹⁴. Қиёслаш учун саноатлашган мамлакатларда бу ёш гуруҳига аҳолининг фақат чорак қисми киришини айтиш кифоя¹⁵.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XX асрнинг охири XXI аср бошидаги Ўзбекистон демографик ўтиш жараёнлари тарихини ёритиш куйидагиларни якун сифатида қайд қилишга имкон беради. Совет ҳукумати ҳукмронлиги йилларида мафкуранинг иқтисодиётдан, ижтимоий соҳадан устуворлиги, демографик жараёнлар хусусиятларини ҳисобга олмаслик ишсизлик келиб чиқишига ва аҳоли миграцияси муаммолари пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда демографик ўтишнинг тарихий масалалари таҳдили, аҳоли ўсиш суръатларининг пасаётганидан, оиласаларда болалар сонининг кам туғилаётганилиги эвазига кам ва ўртача болалик оиласаларнинг кўпаётганилигидан, хусусан демографик ўтиш даври остонасида турганлигимиздан далолат беради. Агар 1989 йил маълумотларига кўра, мамлакатимиз туғилиши юқори бўлган давлатлар гуруҳига кирган бўлса¹⁶, XXI аср бошида туғилиш даражаси ўртача бўлган ва демографик ўтиш даври остонасида турган давлатлар гуруҳидан жой олди¹⁷. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда демографик вазият анча яхши бўлиб, демографик ўтиш њеч қандай узилишларсиз, бир текис ривожланмоқда. Бундай вазият, давлат томонидан, чукур ўйланган, илмий холосага асосланган демографик сиёсат юритилиши туфайли юзага келтирилди.

¹⁴Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. Ижтимоий фикр, 2009. № 153-бет; Бўриева М.Р., Эгамова Д.Н. Дунё аҳолиси ривожланиш жараёнлари. Тошкент: Фан. 2008. 104-бет.

¹⁵Гидденс Энтони. Социология. Тошкент: Шарқ, 2002. 673-бет.

¹⁶Бўриева М.Р., Юлдашева М.А. Демографик муаммолар. Тошкент: Университет. 2003. 30-бет; Бўриева М.Р. Демография асослари. Тошкент: Университет. 2001. 75-бет.

¹⁷Тожиева З.Н. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ижтимоий-демографик масалалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2010, № 1-2. 59-бет.

*P. Yusupov***Вопросы демографического перехода и особенности развития населения Узбекистана (Вторая половина XX - начало XXI вв.)**

В статье освещаются этапы демографического перехода населения мира, а также показаны особенности изменения численности и состава населения Узбекистана в период второй половины XX - начала XXI вв. Автор иллюстрирует исторические факты, которые оказали непосредственное влияние, процессу демографического перехода населения республики. В целом, предпринята попытка по анализу новых фактов демографического процесса на данном этапе исторического развития Узбекистана, анализируя их последствия, негативно отразившиеся на составе населения.

*R. Yusupov***Demographic transition and features of development of the population of Uzbekistan (In second half XX - beginning XXI centuries)**

In article it is shined stages of demographic transition of a world's population, and also shown features of change of number and structure of the population of Uzbekistan in second half XX - beginnings XXI centuries. The Author illustrates historic facts which have made direct impact, to process of demographic transition of the population of republic. As a whole, for the first time is undertaken to attempt under the analysis of the new facts of demographic character at the given stage of historical development of Uzbekistan, analyzing their consequences, negatively reflected in structure of the population.

Этнология масалалари

P. Ражабов

XIX АСР ЎРТАЛАРИ – XX АСР БОШЛАРИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎРТА ОСИЁ АРАБЛАРИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

Ўрта Осиёда VII аср ўрталаридан буён яшаб келаётган арабларининг умумий сони маълум даврларгача аниқланмасдан келди. Бу ҳол биргина араб нуфусига тааллукли бўлмай, балки туб жой ахолисига ҳам бевосита дахлдордир, чунки ўтмишда аҳолини рўйхатга олиш таомилга кирмаган эди. Аммо қишлоқ оқсоқоллари, уруғ бошлиқлари ва шаҳарлар ҳокимлари ўз қўл остидаги нуфуснинг миқдорини, жон сонини тахминан билган. Чунончи, кейинги асрларда ўзбек хонликлари бир қанча бекликларга бўлинган, ҳар бир беклик ўз ахолиси нисбатига кўра хон қўшиналрига сипоҳийлар берган, зарур бўлган вақтда аниқ миқдорда лашкар йиқсан. Бундан ташқари, олиқсолиқ ишларида (айниқса, жон боши солифи) ҳисоб-китоб тўғри йўлга қўйилган. Вақф ҳужжатларида ҳам туман ва қишлоқларнинг нуфузи сони аниқ кўрсатилган.

Ўзбек хонликларидаги аҳоли сони ҳақида аниқ ва тўлиқ бўлмасада, хорижлик сайёҳлар, хусусан XIX асрда ташриф буюрган рус сайёҳлари асарларида ҳам маълумотлар қайд этилган. Жумладан, 1820 йилда Бухорога "саёҳат" қилиб келган Г. Мейендорф бошқа маҳаллий аҳоли қаторида бу жойда яшовчи араблар ва уларнинг сони ҳақида маълумотларни жам қилган. Бухорода қисқа муддатда бўлган "сайёҳ"нинг нисбатан тарқоқ, кам сонли, бунинг устига Бухоро шаҳридан ташқарида яшайдиган араб элати ҳақида аниқлик билан, ҳатто, улар сонини кўрсатиб ёзишига қараганда, амир девонида бундай ҳужжатлар бўлган, деб хулоса қилишга тўғри келади. Г. Мейендорф, араблар ҳақида қуидагича хабар беради: "Улар қишлоқларда яшайдилар, бир қисми эса Бухоро шаҳрига кўшни турадилар. Айrim араблар кўчманчи, шунингдек ярим кўчманчи, Термиз йўналиши ва қарши атрофларида кўчиб юрадилар. Арабларнинг кўпчилиги – деҳқонлар. Уларнинг чўлларда боқиб юрадиган отарлари борки, бу савдо-сотиқда муҳим бўлган машҳур барра териларни етказиб бериш манбаи саналади"¹. Г. Мейендорф, Бухоро вилояти (хонлик)да яшовчи арабларнинг ўша пайтдаги умумий сонини 50 минг киши деб кўрсатган.

Венгриялик шарқшунос олим ва сайёҳ Херман Вамбери ҳам Бухоро

¹Советская этнография. Т. IV. М. - Л.: АН СССР, 1940. 4-бет.

3-son

амирлигидаги тубжой аҳоли қатори, кичик элатлар, уларнинг ҳаёт тарзи, сони, юз қиёфаси сингари масалаларга қизиқсан. Бухоро амирлигидаги арабларнинг маҳаллий аҳолига аралашиб, унга тобора сингиб бораётганини Херман Вамбери қуидагича тасвирлайди: "Уларнинг афти-ангоридан бўлак Ироқ ва Ҳижоздаги биродарларига ўхшашликдан асар ҳам қолмаган. Мен, ҳатто, арабча гаплашувчиларни ҳам кам учратдим. Уларни 60000 га қадар деб ҳисоб қиласидар. Уларнинг асосий қисми Варданза ва Вобкент атрофларида ўтроқ ҳаёт кечиради"².

Херман Вамбери бу рақамларни келтирганида ўлкада солиқ тўловчилар ҳисоб-китобларида қайд этилган маълумотларга асосланган. Демак, ўзбек хонликларида аҳолини маълум тартибида ҳисоб-китоб қилиш усули бўлган.

Россия империяси Туркистонни мустамлакага айлантириш учун Пётр I давридан бошлаб ўлкада кенг кўламда ўрганиш ишларини олиб борган. Айниқса, XVIII - XIX асрларда рус элчилари, олимлари ва сайёҳ-жосуслари ўлкага тез-тез қатнаб, Туркистон ҳақида ўнлаб асарлар, экспедиция ҳисоботлари, эсадаликлар ёзилган. Уларда қисман бўлса-да, ўлкада истиқомат қилиб келаётган араб элати хусусида ҳам маълумотлар учрайди. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон араблари тарихини ўрганишда ушбу маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Жумладан, П. Савельевнинг "Бухоро 1835 йилда" деб номланган асарида шаҳарда қанча аҳоли яшаётгани қайд этилади. "Бухоро аҳолисини, - деб ёзди муаллиф, - барон Мейендорф 70000 киши деб тасаввур қиласиди, поручик Бернс 160000 тагача, доктор Эверсман эса 200000 та деб билади. Г. Демезон, Г. Мейендорф томонидан айтилган рақам бошқаларидан кўра, ҳақиқатга яқиндир"³.

Бухорода 1840 йилдан сўнг бир неча вақт бўлган Н. Хаников хонликнинг аҳоли таркиби ва этномаданий хусусиятларини диққат билан ўрганиб, Бухоро хонлигининг ҳозирги аҳолиси таркибига кирувчи қабилаларга разм соглан ҳар бир киши уларнинг турли-туман қавм ва уруғлар аралашмасидан иборат эканлигига, фақат дин туфайли бир бутунликни ташкил этганларига икрор бўлади.

Унинг қайд этишича, "араб қабилалари хонликнинг шимолий қисмларида тарқалган бўлиб, кўпроқ Вардонзе ва Самарқанд атрофида йигилганлар. Улар ҳозирга қадар аждодларининг кўчиб юриш одатларини тарқ этмаганлар, фақат бир фарқи шундаки, бу жойдаги кескин иқлим ҳозиргиларига (арабларга - Р.Р.) чодирни уйга алмаштиришни тақозо этган. Уларнинг жуда оз қисми ўтроқлашган ҳамда савдо ишига мажбурият сезадилар. Уларнинг юз тузилиши келиб чиқишлирини (яни, араб эканликларини - Р. Р.) ошкор этиб туради,

² Вамбери Х. Путешествие по Средней Азии. М., 1867. 308-бет.

³ Савельев П. Бухара в 1835 году. СПб., 1856. 12-бет.

кўпларининг кўзлари катта ва сочлари қаби тимқора. Терилари қўёш нурини жуда кучли қабул қилишга мойилки, аксарияти тамомила қўёшда куйиб, қорайиб кетган. Улар ўзаро арабча гаплашадилар, аммо бу соф араб тили эмас. Уларнинг асосий саноати қўйларни урчтишдан иборат. Қора ва кулранг барра териларни хонлик бозорига олиб чиқадилар. ...афсуски, улар билан ниҳоятда оз муносабатда бўлдик.

Умуман, улар одоб-ахлоқ бобида жуда юқори туради, чоги. Зеро, Бухорода ўтказган ҳётимиз даврида улар ҳақида бирор ёмон гап эшиитмадик. Бухороликлар улардан бир нарсада - озрок қўрс муюмала ва одамшинавандаликни билмасликларидан койинишади"⁴.

Н. Хаников араблар ҳақида қайд этган маълумотларида уч жиҳат эътиборга моликдир. Биринчиси, Бухоро хонлигидаги арабларнинг бир қисми XIX асрнинг биринчи ярмида аждодлари анъанасига амал қилиб, кўчманчи ҳаёт кечирганлар. Лекин бу ҳол арабларнинг маҳаллий аҳоли билан кенг ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва демографик алоқалар ўрнатишларига ҳалақит бермаган. Иккинчиси, бу даврда араблар она тилини сақлашга ва ўзаро арабча гаплашишга интилганлар. Н. Хаников уларнинг нутқи соф арабча эмас, дейди. Бу ўринда тилда, нутқда контаминациялашув жараёнлари ўз аксини топган. Учинчиси, Бухоро хонлигидаги арабларнинг аксарият қисми ота-боболаридан фарқли ўлароқ чодирдан воз кечиб, аста-секин маҳаллий аҳолига тақлид қилиб пахсадан уйлар қуриб, ўтрок яшай бошлаганлар. Пахса уйларда яшаш XVIII асрдан аввал бошланган, албатта. Бундай ассимиляциялашув жараёнлари Шарқий Бухоро араблари ҳаётида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Кўлоб араблари ҳаёт тарзини ўрганган Б. Х. Кармишева шундай ёзди: "Кўлоб беклигига араблар Кўлоб шаҳрида ва б та қишлоқда яшаганлар. Пархар туманидаги араблар чорвадор-кўчманчилар бўлиб, кўрсатилган қишлоқлар (Лагмен, Жангабоши, Навбулоқ, Араб, қароқчи - Р. Р.) уларнинг қишлоғ жойлари эди. Ёзни улар қоратоғ ўнгирларига яқин яйловларда ўтказадилар. Вахш водийсида Жуйбор анҳорининг (кумгузардан Узунга қадар) иккала томонида араб чорвадорлари қишлигандар, қолган вақтларда уюрлар билан адир ва тоғлар бўйлаб кўчиб юрганлар".⁵

XIX аср рус сайёҳлари орасида А. Д. Гребенкиннинг Зарафшон воҳасидаги араблар ҳақидаги мақоласида улар шундай таърифланади: "Округ араблари икки хилга бўлинади. Улардан биринчиси ҳийла чўзиқ юзли, сочлари қалин ўсан, кўзлари катта маъноли ва турли рангда, бироқ кўпроқ қорамтири, қўйкўзли, бурунлари узун, бургутники каби. Улар ўрта бўйдан баландроқ, зуваласи пишиқ ва кучлидирлар.

⁴Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. СПб. 1843. 53-57-бет.

⁵Кармышев Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). М.: Гл. ред. восточ. лит-ры, 1976. 112-бет.

Бу араблар Самарқандга яқин Хожа Аҳрор мавзесида яшайдилар. Каттақўрғонда эса Арабхона маҳалласи ва унинг ён-атрофидаги бир қанча қишлоқларда ўрнашганлар. Улар округнинг Каттақўрғон қисмida Самарқанддагидан кўпроқ деб ҳисобланадилар. Улар тожикча гаплашадилар.

Иккинчи хил араблар қора ёки қорамтири тусда бўлиб, уларнинг ёноқ суяклари бўртиб чиқсан, соқоллари сийрак, лаблари қалин, бурунлари гўштдор. Улар қотма ва жуссаларидан куч ёғилиб туради, абжир чавандозлар сифатида донг чиқарганлар. Уларнинг тили – ўзбекча. Улар Ангар (Дарғом) тумани ва Каттақўрғонга туташиб кетган даштда яшайдилар⁶.

А.Д.Гребенкинning қайд этишича, араблар орасида яrim кўчманчилар ва деҳқонлар ҳам бўлган. Нисбатан бойроқ арабларда 350 тагача, қолганларида ўртacha 100 атрофида қўй бўлган. Самарқанд араблари Оғолик (Оҳалик) тоғи, Миронқул ва Қодирберди қўли атрофларида, Каттақўрғон араблари эса Чимбой, Жомгача кўчиб юрганлар.

Араблар жун ва ип газлама тўқиши билан шугулланганлар. Улар тўқиган гилам ажабтовур безакли бўлган. Улар ўзларидан уйланганлар ва ҳатто каттақўрғонлик араблар бошқа элатлар билан куда-анда бўлганларни хуш қаршиламаганлар. Қалин 40 сўмдан 200 сўмгача тўланган. Камбағаллар ўзларининг яқин қариндошларига қалинсиз уйланганлар.

"Биринчи хил араблар, - деб ёзади А. Д. Гребенкин, – ҳарбий хизматда камдан-кам бўладилар, иккинчилари ҳамиша сипохий бўлиб келганлар. Саводлилар араблар орасида жуда кам. ...Округда араблар сони 2000 хўжаликдан ошмайди"⁷.

А. Д. Гребенкин Самарқанд округининг Каттақўрғон қисмida яшовчи араблар ҳақида маълумот берганида, уларнинг "қариндошлари қарши округининг гарбий қисмida яшашларини, улар яхши отлари ва алоҳида зотдор қўйлари билан машҳур эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга у қарши араблари ўзаро бузилган араб тилида гаплашадилар, деб эслатиб ўтади⁸.

А. Д. Гребенкин Самарқанд округида икки минг араб хўжалиги борлигини таъкидлаган эди. Агар ҳар бир хўжалик бир оила эканлиги, бир оиласида ўртacha 5 киши бўлиши назарда тутгилса, бу 10.000 атрофидаги рақамни англатади. Бошқа бир рус тадқиқотчиси Л. Н. Соболев А. Д. Гребенкин томонидан кўрсатилган рақам тўғри эмаслигини, у анча ошириб юборилганлигини уқтириб,⁹ Гребенкин А. Д. Мелкие народности Зарафшанского округа // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки. Вып. 2. М., 1872. 113-114-бетлар.
¹⁰Уша асар. 113 -115-бетлар.
¹¹Уша асар. 114-бет.

3-сон

қўйидагиларни ёзади: "Округдаги араблар сонини Гребенкин 10000 жон деб ўйлайди. Биз бу рақамни бўрттирилган деб ҳисоблаймиз ва у кам деганда уч марта озайтирилиши керак"⁹.

Худди шунингдек, Л. Н. Соболев Н. Ханиковнинг араблар Самарқанд атрофига кўчманчи ҳаёт кечирадилар, деган фикрини ҳам маъқул топмайди. "Бу тўғри эмас,- деб ёзади у, — улар ё тўла ўтроқлашган, ё ярим кўчманчи ҳаёт кечирадилар, яъни ерга ишлов бериш уларнинг асосий машгулоти бўлиб, чорвачилик иккинчи даражалидир. Каттақўрғон қисмида араблар кўчманчи ҳаётга яқин турмуш кечирадилар.

Округда улар кам сонли, аммо ўзлигини сақлаб, қийинчилик билан ўзга элатта сингишиб боради. Самарқанд қисмида араблар Ангар (Дарғом - Р. Р.) туманининг бир четида ўтиришади, уларни бу жойда 1200 жон ҳисоб қиласидар. Шу худуднинг Офаринкент туманидаги Арабхона деган қишлоқда 246 одам яшайди. Бундан ташқари, айтиши жоизки, улар Янги қўрғон туманида жуда оз (45 жонга қадар) миқдорда ўрнашганлар. Каттақўрғон қисмида, кўриб ўтганимиздек, араблар айнан Каттақўрғон шаҳрида (Арабхона маҳалласида – 145 жон) ва унинг ён-атрофидаги баъзи қишлоқларда яшайдилар"¹⁰.

XIX асрнинг 70-йилларида Самарқанд ва Қашқадарё воҳаларида бўлиб, нуфус ва элатларни муфассал ўрганган, пировард натижада, 1876 йилда "Туркистон ўлкасига оид мақолалар" тўпламини нашр эттирган А.П. Хорошхин ҳам араблар ҳақида маълумотлар тўплаган. Унинг қўйидаги сўзларига эътиборни қаратиш лозим: "Бутун Зарафшон округи бўйлаб, айниқса Каттақўрғон қисмида араблар тарқалган. Бухорода эса арабларнинг ўзбеклар билан чатишган алоҳида бир гуруҳи бўлиб, улар бузилган араб тилида гаплашадилар"¹¹.

А. П. Хорошхиннинг бу мулоҳазасини унчалик тўғри деб бўлмайди. Афтидан, муаллиф арабларнинг ўзбекларга яқинлашиб, ассимиляциялашиб боришини "чатишиш" ("помесь") деб талқин этган, аммо бу фикр бирмунча мунозаралидир. Зоро, араблар, айниқса уларнинг қишлоқларда яшаган қисми XX асрга қадар, ҳатто унинг биринчи яримларида ҳам, камдан-кам ҳолатларда бошқа элат вакиллари билан никоҳ алоқалари ўрнатишган. Ҳар ҳолда у бошқа маҳаллий элатлар билан нисбатан қалин никоҳ алоқаларида бўлган шаҳарлик арабларни назарда тутган.

Ўзбекистон ҳудудида яшаб келган арабларнинг жўгрофий жойлашуви ва миқдори ҳақида И. И. Гейлер, А. Кун, Д. Н. Логофет, Гиршфельд ва М.Н. Галкинлар ҳам маълумотлар берганлар.

⁹Географические и статические сведения о Зарафшанском округе. СПб., 1874.148-бет.

¹⁰Ўша асар. 149-бет.

¹¹Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876. 515-бет.

3-сон

"Туркестанские ведомости" газетасининг 1875 йил 10-сонида, масалан, Амударё бўлимидаги (Қорақалпоғистон) Шўрахон мавзесида 47 хонадондан иборат араб жамоаси ҳёт кечираётгани ҳақида хабар берилган. Шўрахон араблари ҳақида яна О. И. Шкапский ҳам эслатиб ўтган. Л. Костенконинг 1871 йилда чоп этилган "Ўрта Осиё ва унга рус фуқаролигининг киритилиши" номли асарида Зарафшон воҳасида кам сонли кўчманчи араблар яшаётгани қайд этилган.

Гиршфельд ва М.Н. Галкинлар "Хива воҳасининг ҳарбий статистикавий тавсифи" номли китобида арабларниң Хоразмда тутган мавқеи ҳақида маълумот келтиради. "Араблар воҳа аҳолиси умумий сонида, – деб ёзди улар, жуда кам фоизни ташкил этади ва фақат Питнак беклигига жами нуфуснинг 19 фоизи араблардир"¹².

Масалага ҳарбий нуқтаи назардан ёндошган муаллифлар одамлар сонининг аниқ бўлишига катта аҳамият қаратгандар. Масалан, Хива воҳасида яшайдиган араблар 1926 киши эканлиги (Хива ва унинг атрофида 108 оила, 540 жон; Питнакда 240 оила ва 1200 жон; Амударё қисмининг Шўрахон бўлимида эса 31 оила, 186 жон) кўрсатиб ўтилган¹³.

Бухоро хонлиги ҳақида бир неча китоблар ёзган Д. Н. Логофет ҳам маҳаллий араб элати ҳақида қизиқарли мулоҳазаларни билдиради. У Бухоро хонлигига оид барча масалаларни дикқат билан ўрганган ва хонликда арабларниң Бақр ибн Валл, Бани Али, Бани Тамим ва Абдулкайс уруғлари авлодлари яшаётганини қайд этган. "Бухоро хонлигига жойлашган араблар, - деб ёзди у, - асрлар ўтиши билан кўп жиҳатдан ўзбекларга қўшилиб кетган бўлса-да, бироқ хонликда ҳамиша алоҳида яшаб, алоҳида жамоани ташкил этганлиги сабабли, ўз қабиласининг бაъзи бир ташқи аломатларини сақлаб қола олган. ҳозирги вақтда араблар Кабодиён, Шаҳрисабз, Ҳисор, Чироқчи бекликларида унча кўп бўлмаган миқдорда учрайди, зеро жўрофий харитага назар ташланса, араблар қачонлардир Балх ва Самарқанд йўли бўйлаб жойлашганлигини кўриш мумкин"¹⁴. Бундан кўринадики, ушбу маълумотда бошқа муаллифларда учрамайдиган, аммо араблар оз бўлса-да, яшаб келаётган бекликлар санаб ўтилади.

Д. Н. Логофетнинг қайд этишича: "Арабларниң келиб чиқиши жиҳатидан сомийларга мансуб эканлиги билан ҳисоблашмайдиганлар уларни ўзбеклар сафига кўшиб, ўзбекларниң ўзига хос "араб" уруғи деб атайдилар"¹⁵.

Н. Хаников ҳам ўзбекларниң уруғларга бўлиниши ҳақида фикр юритиб, Д. Н. Логофет таъкидлаган "араб" уруғини тилга олган эди.

¹² Военно-статистические описание Хивинского оазиса. 4. Тошкент, 1903. 74-бет.

¹³ Ўша ерда.

¹⁴ Логофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 1. СПб., 1911.

¹⁵ 174-бет.

¹⁶ Ўша ерда.

3-son

Профессор Х. Дониёровнинг кўрсатишича, Н. Хаников Бухорода бўлган вақтида қандайдир бир ўзбек киши томонидан ёзилган "Насабномаи Узбакия" номли китобни қўлга киритган ва ўзи томонидан ёзигб қолдирилган уруғларнинг кўпчилигини ўша қўллэзмадан олганлигини қайд этиб ўтган. У ўзбекларнинг жуда кўп уруг ва қабилаларга бўлиниши ҳақида гапирав экан, юқоридаги қўллэzmага асосланиб, ўзбекларнинг куйидаги уруғларини мисол қилиб келтиради: 1. Мангит. 2. Минг. 3. Юз. 4. қирқ. 5. Ўнг. 6. Ўнгочит. 7. Жалойир. 8. Сарой. 9. Кўнғирот. 10. Ялчин (Олчин). 11. Оргун (Аргун). 12. Найман. 13. Қипчоқ. 51. Араб...¹⁶.

Н. Хаников ўзбек уруг ва қабилаларининг ҳамда уларнинг ҳар хил катта-кичик бўлинишларининг 300 дан кўпроқ номини келтиради. Улар ичida араб этноними борлигини ҳам таъкидлайди¹⁷. Демак, Д. Н. Логофет айтган ўзбекларнинг "араб" уруғи улар томонидан арабларга нисбат берилган ва XIX асрнинг биринчи яримларида, ҳатто маҳаллий ёзма манбаларда ҳам кўп сонли ўзбек уруғларидан бири сифатида санаб ўтилган этнонимдир. Ушбу этноним Н. Хаников эътиборидан ҳам четда қолмаган.

XIX аср ўргалари ва охирларига келиб, Туркистонга, шу жумладан маҳаллий элатлардан бири бўлган араблар ҳаёти ва ададига қизиқиш кучайган. XIX аср охирларида Россия империяси ҳукумати бутун мамлакатда (мустамлакаларда ҳам) аҳолини рўйхатга олиш йўриқларини белгилайди. 1897 йили Россияда биринчи аҳолини рўйхатга олиш ўтказилади. Бу тадбир жараёнида масалан, бутун Туркистон ўлкаси бўйича биргина Сирдарё вилоятида яшайдиган 634 нафар араб ҳисобга олинган, холос. В. В. Бартольд Самарқанд вилояти бўйича йўл кўрсаткич далилларига асосланиб, ўша пайтда биргина Самарқанд округида 20000 нафар араб яшаган, деб кўрсатиб ўтади¹⁸.

В. В. Бартольд Бухоро хонлигига асрлар оша яшаб келаётган арабларнинг ўз қабила номларини сақлаб келаётганини таъкидлайди. У араб қабилалари орасида, айниқса Дарвоз чегарасидаги Яхсувда қурайшийлар яашини, улар она тилини унутиб, ўзбекча гаплашишларини қайд қилиб ўтади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керак, она тилини йўқотган арабларнинг тубжой аҳолидан тафовути уларнинг ҳунармандчилигида сақланиб қолган. Масалан, жундан тўқилган гиламларда, матоларга солингган безакларда араб орнаментлари - нақшлари ангъанавий тарзда давом эттирилган.

Аммо В. В. Бартольднинг XX аср бошларida Туркистондаги

¹⁶Дониёров Х. Ўзбек ҳалқининг шажара ва шевалари. Тошкент: Фан, 1968. 36-37-бетлар.

¹⁷Ўша асар. 80-бет.

¹⁸Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана // Сочинения. Т. 2. 4. И. М.: Изд-во Восточ. лит-ры, 1963. 196-бет.

3-сон

арабларнинг ўз она тилларини унугланлиги хусусидаги мазкур маълумоти минтақа арабларининг аксарияти учун хос бўлса-да, айрим араб жамоалари ўзаро арабча сўзлашишганини рад қилиб бўлмайди. Чунки XX аср 20-йилларининг иккинчи ярми бошларида ўтказилган аҳоли рўйхати Ўрта Осиё арабларининг бир қисми она тилини билганлигидан дарак беради. Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Бухоро, Тожикистоннинг Кўлоб, Хўжанд, Қозогистоннинг Чимкент вилоятларида то ҳанузгача араб тилида гаплашувчи аҳоли гуруҳлари мавжудлиги ушбу фикримизни тасдиқлайди.

P. Раджабов

Сведения об арабах Средней Азии в исследованиях середины XIX - начала XX вв.

